

РЕСПУБЛИКА МАЊНАВИЯТ ВА МАЊРИФАТ МАРКАЗИ

АБДУРАҲИМ ЭРКАЕВ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
МЎЛЖАЛ –
УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

ТОШКЕНТ
«МАЊНАВИЯТ»
2021

УЎК 159.955:342.727

КБК 88

Э 78

Э 78 Эркаев А.

Янги Ўзбекистон: мўлжал – Учинчи Ренессанс
[Матн] / А. Эркаев. – Т.: «Маънавият», 2021. – 96 б.

ISBN 978-9943-04-419-7

М а съ у л м у х а р р и р л а р:

A. Маврулов, Ш. Ризаев

Т а қ р и з ч и л а р:

*фалсафа фанлари доктори, профессор С. Чориев,
филология фанлари доктори, профессор Н. Шодмонов*

Ушбу рисола давлатимиз раҳбари қўйган «Учинчи Ренессанс асосларини яратиш, аввалги Ренессансларимиз ютуклари ва инқирози сабаблари ва тарихий сабокларини холис ўрганиш вазифасидан келиб чикиб ёзилган. У муаллифнинг «Халқ сўзи» газетасида 2020 йил 8 сентябрь ва 2021 йил 6 январь саналарида чоп этилган мақолалари ҳамда Ўзбекистон телевидениеси орқали килингандишилари асосида тайёрланган.

Рисола кенг китобхонларга, биринчи галда зиёлилар, талабалар, магистрлар ва ўқитувчиларга, маънавият ва маърифат ходимларига мўлжалланган.

*Қарши давлат университети Илмий Кенгашининг
2021 йил 31 мартағи 10-сон Қарори билан
нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-04-419-7

© «Маънавият», 2021

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – МҮЛЖАЛ УЧИНЧИ РЕНЕССАНС СЎЗБОШИ

Жонажон диёримиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан Президент Ш.М. Мирзиёев тантанали табрик нутқида миллий юксалишнинг мақсади Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш лозимлигини таъкидлади. Мазкур стратегик ғоя ўзининг улуғворлиги, миллий юксалиш барча жабҳаларда қандай умумий мақсадни кўзламоги зарурлигини кўрсатади. Амалда давлат раҳбари тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон миллий гоясининг янги ва аниқлаштирилган мазмунини ифодалади. Давлатимиз раҳбари 2020 йил 30 сентябрь куни Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишиланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида яна бир бор таъкидлади: «Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапиран эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмунини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак»¹.

Ушбу фикр давлат раҳбари томонидан чукурлаштирилиб, конкретлаштирилиб келинмоқда. 2021 йил 19 январда маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини оширишга бағишиланган видеоселекторда: «Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва

¹ «Халқ сўзи», 1 октябрь 2020 йил

умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз, биз яратайтган Янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм бўлади»¹, дея таъкидлади. Маънавий-маърифий ишларнинг назарий асоси – миллий ғоя концепциясини ривожлантириш вазифасини қўйди. Миллий ғоя концепцияси «Миллий тикланишдан – миллий юксалишга» деган бош ғоя теварагида шакланиши лозимлиги эътироф этилди. «Янги Ўзбекистон» газетаси 2021 йил 17 август сонида Президентнинг бош муҳаррир саволларига берган жавобида «Янги Ўзбекистон» ва «Учинчи Ренессанс» сўзлари ҳаёти-мизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграётгани, халқимизни улуг мақсадлар сари руҳлантираётганини алоҳида таъкидлайди.²

Миллий ғоя аслида муайян халқнинг олий истиқбол мақсадини бир неча сўзларда ёки иборада мужассам ифодаловчи тушунчалар, шиор ёки иборадир. У халқни ўша мақсад йўлида бирлаштиради, сафарбар этади. Халқ барча саъй-ҳаракатларини, интилишларини, бунёдкорлик фаолиятини миллий ғояга мувофиқлаштиради. Зарур бўлса, иктисодий, ижтимоий муносабатларини, мамлакатнинг ҳуқуқий, сиёсий, мафкуравий асосларини, таълим-тарбия тизимини чукур ислоҳ қиласи. Бугун Ўзбекистонда айнан шу жараён кузатилмоқда. Миллий ғоянинг асосий вазифаларидан бири, аввало, халқнинг жипслигини, бирлигини, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдир. Иккинчидан, миллатнинг олий мақсадини, ривожланиш мэрраларини, мўлжалларини умумий тарзда аниқлайди. Миллий ғоя турли ибораларда ифодаланиши мумкин. Лекин ифода шаклидан қатъи назар

¹ Шавкат Мирзиёев. Инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик – миллий ғоямизнинг пойdevоридир. – Тошкент: 2021, 6-б.

² «Янги Ўзбекистон» газетаси, 2021 йил 17 август сони.

халққа истиқболни, ижтимоий мүлжални күрсатиши шарт.

Фоя оддий тушунчадан аниқ пировард мақсадни ифодалаши билан фарқ қиласы. Масалан, «мустақиллик» тушунча сифатида ҳеч кимга ҳеч нарсада қарам бўлмасликни, ўз алоқаларини эркин ва тенгхуқуқли қуришни билдиради; фоя сифатида эса эркинликка эришишни (агар қарам бўлса), ёки уни мустаҳкамлашни, ҳимоя қилишни (агар мустақил бўлса) билдиради.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш фояси «миллий тикланишдан – миллий юксалишга» фоясига ҳозирги тарихий давр учун пировард мақсад, стратегик аниқ мүлжал бағишлиайди.

Ҳар жабҳада, соҳада қиладиган ишларимиз, режа-ю истиқбол дастурларимиз, таълим-тарбия ва кадрлар сиёсати, инвестицион сиёсат – барчаси учинчи Ренессанс пойдевори учун шароит ва муҳит яратишга қаратилмоғи лозим.

Ренессанс французча қайта туғилиш деган маънени англатади. Атама сифатида унинг мазмунин анча кенг: маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман жамият ҳаётида узоқ муддатли турғунлиқдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради. Илк бор атама Европада ўрта асрлар мутаассиблигидан кейин XV–XVI асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан қўлланилган. Ренессанс аталмиш мазкур ижтимоий ҳодиса ўзбек тилига Уйғониш даври деб ўғирилган.

Асли швейцариялик атоқли шарқшунос Адам Мецининг бир аср бурун «Мусулмон Ренессанси» номли фундаментал асари чоп этилган. Шундан бўён Ренессанс фақат Европага оид ҳодиса эмаслиги, уни шарқ халқлари европаликларга нисбатан аввалроқ бошдан

кечиргани тўғрисидаги қарашлар ва тадқиқотлар пайдо бўла бошлади. Аммо буни тан олиш кўплаб илмий баҳсларга сабаб бўлди. Адам Мецнинг китоби нашр этилгач, табиийки, унга турли даврларда кўплаб тақризлар босилган. Уларнинг барчаси асарни жуда юксак баҳолаган ҳолда, унинг номланиши тўғрисида ҳар хил фикрлар, тахминлар айтиб, баъзан эътиrozлар билдирганлар. Эътиrozлар мазмуни қуидагича:

1. Ренессанс Европа маданиятида асосан XV–XVI асрларда содир бўлган юксалишга нисбатан, яъни аниқ минтақада юз берган аниқ тарихий ижтимоий-маданий ҳодисага нисбатан қўлланилади. Уни бошқа минтақаларга ёйиш илмий чалкашликларга олиб келади.

2. Европа учун мазкур жараён ҳақиқатан Ренессанс, қайта тикланиш, Уйғониш эди – ўрта асрларда унутилиб, зулматда, забунда қолган антик маданият ва унинг гуманистик ғояси қайта тикланиб, ривожлантирилиб кейинги тараққиётга – маърифатпарварликка олиб келди. Ислом оламида юксалиш, қайта тикланиш туфайли эмас, янгитдан яратилиш асосида юз берди.

3. Адам Мец атамасига қаттиқ эътиroz билдиrmай, нега уни олим қўллаганини тахмин қилганлар Ислом Ренессанси ҳам антик маданиятни, айниқса, антик давр илм-фанини – Аристотель, Платон, Евклид, Птолемий ва бошқалар асарларини таржима қилиб, ижодий ривожлантириш орқали бошланганини эътироф этади.

Баҳслар кўп. Айрим олимлар А.Мец исломгача яшнаб улгурган жанубий араб маданияти тикланиб ислом уйғонишига сабаб бўлганини назарда тутган деса, эътиrozчилар ислом Ренессансига жанубий араб маданиятига нисбатан Эрон ва Ўрта Осиё маданияти кўпроқ таъсир кўрсатганини, бинобарин, «Ислом Ренессанси» тушунчаси унчалик ўринли эмаслигини қайд этади. Улар Ўрта Осиё ва Эрон ҳам ислом оламига мансубли-

гини эсдан чиқарып ислом Ренессанси деганда, фақат араб дунёсидаги жараёнларни назарда тутади.

Н.И. Конрад Ренессанс фақат европача ҳодиса эмас, балки умуминсоний ҳодиса эканлиги, қадимий маданиятга эга халқларда Ренессанс у ёки бу күринишда юз берганини таъкидлайди. Ренессанс түғрисидаги баҳсларда совет олимлари ҳам юқорида келтирилган турли карашларга мувофиқ ўзаро бўлинарди.

Бугун айрим касбдошларимизнинг: «Бизда ўзи аввал Ренессанс бўлганми, унинг фалсафий эътиқодий ва оммавий инсоний асослари борми?» деган иддаолари илмий далилларга эга эмас, скепсис (шубҳа) мазмунидаги фикрдир. Бундай фикрлар кўпроқ уларнинг қўлига қайси позицияга мансуб муаллифларнинг асарлари ёки мақолалари тушиб қолгани билан белгиланади. IX–XII ва XIV–XV асрларда жамият ҳаёти, аҳолининг маданий савияси ва эҳтиёжлари, саводхонлик даражаси, шубҳасиз, анча паст эди. Оммавий инсоний асослар Европа Уйғонишида ҳам кенг бўлмаган. Шу сабабли бизда Ренессанс эмас, илм-фанда буюк юксалиш бўлган, уни бир гурух атоқли олимлар амалга оширган у аҳоли турмуш тарзига ва онгига таъсир кўрсатмаган деган фикр бирёкламадир.

Бизнинг Ренессансимиз, Европаникidan фарқли, бардавом бўлмагани кўп иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, диний-мағкуравий сабабларга, биринчи галда капитал ва ишлаб чиқариш концентрация бўлмаганига, анънавий жамият қарор топганига бориб тақалади.

Россиялик буюк шарқшунос академик Н.И. Конрад Ренессанс VII–VIII асрларда Хитойда бошланиб, VIII асрда Ҳиндистонда давом этгани, ундан IX–XII асрларда ислом мамлакатлари эстафетани қабул қилгани, мўғил истилоси туфайли анча пасайиб қолган юксалиш Темур ва темурийлар даврида яна қайта гуркираб ўсга-

нини таъкидлайди. У Ўрта Шарқ Уйғониш даврини Алишер Навоий замонасигача чўзади.¹ Жавоҳирлаъл Неру Бобурни ҳам Ренессанснинг типик вакили деб баҳолаган эди.

XVI аср 30–40 йилларида бизда анъанавий жамият узил-кесил қарор топди. Илмий, бадиий изланишларда ижтимоий эҳтиёж пасайиб кетди. Ўтмиш ютуқлари олдидиа қуллик қилиш, уларни идеаллаштириш ва фақат такрорлашга уриниш, янгиликларга салбий муносабат шаклланди. Аста-секин чуқур турғунлик ва инқизорз бошланди. Улар нохуш ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, диний-мағкуравий, регионал низолар ва айирмачилик каби сабаблар билан қўшилиб, қолоқ бўлиб қолишимизга, XIX аср иккинчи ярмида миллый мустақиллигимизни йўқотишга олиб келди. Ўтмишдан биринчи бўлиб теран тарихий хулоса чиқарган жадид боболаримиз эди. Улар таклиф қилган ислоҳотлар миллатни қайта уйғотиш, тараққиёт томон буришни кўзлади. Аммо мустабид ҳокимият жадидлар ҳаракатини авж олмасдан бўғиб қўйди. Давлатимиз раҳбари афсус билан эътироф этганидек: «Аввал чор ҳукумати, кейинчалик совет ҳукумати уларни аёвсиз қувғин ва қатағон қилди. Шу тариқа миллый уйғониш ва тараққиёт ҳаракати эл-юртимиз учун армон бўлиб қолди» («Халқ сўзи», 1 октябрь 2020 йил).

Мустақилликка эришгандан кейин дастлаб чорак аср давомида миллый тикланиш билан шуғулланишга тўғри келди. Эндиликда миллый тикланишдан миллый юксалишга ўтганимиздан кейин, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни давлат раҳбари стратегик вазифа этиб қўйди. Ҳақиқатан, тарихан олганда биз икки ренессансни бошдан кечирдик: биринчиси IX–XII асрлар,

¹ **Н.И. Конрад.** Избранные труды. Литература и искусство. – М.: 1978. – С. 90–144.

иккинчиси XIV аср охирги чораги – XVI аср биринчи чораги. Биринчи Ренессансда юртимиздан Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Юғнакий, Маҳмуд Замаҳшарий каби буюк даҳолар, буюк мухаддислар – Бухорий, Термизий, мутакаллимлар Мотуридий ва Абул Муин Насафий ва бошқа атоқли дунёвий ва диний алломалар шуури оламни ёритди.

Иккинчи Ренессансда – Улугбек, Фиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи, Саккокий, Лутфий, Жомий, Навоий, Беҳзод, буюк меъморлар, бастакорлар, мусавиirlар, тарихчилар чиқиб, бугун ҳам дунёни лол қолдираётган асарлар яратдилар.

Ҳар икки Ренессанс даврида биз дунёнинг илғор, мутараққий халқлари қаторида эдик. Агар яна шундай даражага эришмоқчи бўлсак, учинчи Ренессансни амалга оширмоғимиз зарур. Бунинг учун аввал унинг пойдеворини яратиш талаб этилади. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш миллий юксалиш, янгиланаётган Ўзбекистон миллий ғоя концепциясининг назарий ва амалий мазмунига айланиши керак.

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари ғояси конкрет мазмун, пировард мақсад бағишлиб, жонлантириш учун уни Учинчи Ренессанс ғояси билан боғлаш, муштараклаштириш зарур. Фақат Учинчи Ренессансни амалга ошириб, биз аввалги шиоримиз – озод ва обод Ватанда эркин ва фаровон ҳаётни барпо эта оламиз. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни бош ғоямиз миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари ғоясининг стратегик мақсади деб эълон қилиш мақсадга мувофиқ.

Миллий ғоя жорий вазифаларни эмас, балки тарихий олий мақсадни ифодалайди. Шу маънода Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси халқимиз-

нинг истиқболга, юксак даражали келажакка интилишга жуда мос келади. Мазкур ғоянинг сафарбарлик кучи, умуман мафкуравий салоҳияти жуда юқори. Айни чоғда ўтмиш тарихимизнинг шонли сахифалари, буюк аждодларимизнинг бунёдкорлик ва ижодкорлик салоҳияти билан боғланади. Бизга мазкур тушунча кимларнинг ворислари эканимизни эслатиб туради. Янги Ренессанс йўлида халқимиз турли майда, вақтинчалик масалаларга, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, айрмачилик, мафкуравий мутаассибликнинг ҳар хил кўришишларига чалғимаслиги керак. Биз янги келажак тарихимизни яратишда, халқимиз ўтмишда эришган ютуқлари-ю йўл қўйган хатоларини ҳисобга олишимиз керак. Тарих сабоқларини унтишга ҳаққимиз йўқ. Зеро, давлат раҳбари эътироф этганидек: «Бир ҳақиқатни барчамиз чуқур англаб олишимиз керак: миллий тарихни халқимиз, айниқса, ёшларимизга миллий руҳда етказиш, уларнинг қалбига, шуурига сингдиришимиз керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур»¹.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси миллий руҳиятимизга, халқимиз армон-орзусига яқин. Халқ илгари оққан дарёси яна оқишини астойдил истайди.

¹ Шавкат Мирзиёев. Инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик – миллий формизнинг пойдеворидир. – Тошкент: 2021, 25-бет.

I. УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШ – МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШДАН – МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ САРИ ҒОЯСИНИНГ МАҚСАДИДИР

Ренессанс деган билан у содир бўлиб қолмайди. Бунинг учун ҳар томонлама пухта ўйланган сиёsat олиб борилиши, халқда руҳий кўтарилиш, қатъий иродали интилиш, ижобий мазмундаги пассионарлик юз бермоғи зарур.

Аввало, тушунча мазмунини аниқ очиб бериш, ахолининг барча қатламлари, биринчи галда ёшлар онгига етказиш керак. «Ренессанс» французча «қайта туғилиш» деган маънени англатади. Атама сифатида, юқорида тъкидланганидек, унинг мазмуни анча кенг: жамиятда аввало, маънавий ҳаётда – илм-фанда, адабиёт ва санъатда, таълим-тарбияда, маданиятда, ижтимоий фикрлар ва баҳоларда, умуман, қадриятлар тизимида турғунликдан кейин кескин жонланиб, янги сифат босқичига кўтарилишни, *бир тарихий даврдан янги даврга ўтишини* билдиради. Ўтмиш ренессанслари даврида аждодларимиз нималарга эришганини, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини, бошқа халқлар, минтақалар ютуқлари билан таққослаб, жаҳоннинг етакчи маданиятларидан, илм-фани, санъати ва адабиётларидан бирини, илғор ижтимоий фикру карашларини яратганини қисқа, лўнда, дабдабали жумлаларсиз ёритиш зарур.

Шунингдек, уларнинг инқироз сабаблари холис таҳлил этилмоғи лозим. Буюк географик кашфиётлар туфайли Буюк Ипак йўлининг тўхтаб қолгани, ишлаб

чиқариш концентрацияси юз бермасдан, асосан оила даражасида қолиб кетгани, оқибатда меҳнат қуролла-ри, ишлаб чиқариш воситалари ривожланмай қолгани объектив сабаблардан бўлса-да, ички ва ташқи низо-лар, тахт талашлар, айирмачилик ва уч давлатга бўли-ниб кетиш, инсон комиллиги фақат инсоннинг ички дунёсига қаратилиб, жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётига етарлича эътибор бермаслик каби субъ-ектив омиллар инқирозни келтириб чиқарган асосий сабаблар эди. Тарихдан сабоқ олиш, тегишли хулоса чиқариш учун булар ёшлар, аҳоли онгига етказилиши керак. Биз кўпроқ аввалги уйғониш даврларимизнинг ютуқларини фахр билан эътироф этиб, негадир улар-нинг инқирози сабаблари ҳақида гапиришни унчалик хушламаймиз.

Аввалги иккала ренессанс мустаҳкам маънавий-мағкуравий негизда, биринчи галда юксак ахлоқийлик, адолат, илмга ташналиқ ва бағрикенглик асосида юз берган. Ислом ҳалоллик ва тўғриликни, инсоф ва адолатни, илм ва амалий фаолликни ҳамма нарсадан устун қўйган. «Илм излаб Чинга бўлса-да, бор», «Бешикдан то қабргача илм изла», «Сендан ҳаракат – мендан бара-кат», «Бир соатлик адолат барча инсу жинсларнинг қирқ кунлик ибодатидан устун» ва кўплаб шу каби ҳадислар, нақллар аждодларимизнинг ижтимоий мўлжалига ай-ланган эди. Мана шу ҳадислар, Қуръони каримда илмга раҳбат ва устуворлик берилиши ислом Ренессансининг эътиқодий ва аксиологик асосларини ташкил этган эди. «Байтул ҳикмада» 40 дан ортиқ таржимон қадимги юонон тилидан, 14 нафар таржимон санскрит тилидан, 4 нафар таржимон хитой тилидан илмий, тиббий ва фалсафий асарларни арабчага ўтирган. Бундан ташқа-ри, лотин, сурёний, иброний тиллардан таржимонлар бўлган. Илмий ҳақиқат диний мансубликдан устун қў-йилган. Бу асар маъжусийларники, буниси кофирлар-

ники деб инкор қилинмаган. Халифа Мансур (754–755) давридаёқ, насроний табиб Жиржис ибн Бухтийшу таржимонлик фаолиятини бошлаган. У таржимонларнинг катта сулоласига асос солган. Ўғли ва набираси унинг ишини давом эттирган. Бухтийшулар кўпроқ тиббий адабиётларни таржима қилган. Яна бир оиласвий таржимонлар сулоласига Хунайн ибн Исҳоқ ал-Ибоди IX асрда Маъмун даврида асос солган.¹ Хунайннинг ўғли Исҳоқ ибн Хунайн фалсафий асарларни, хусусан Аристотель асарларини арабчага афдарган. Собит ибн Курра ва унинг ўғли Синон ибн Собит фалсафий асарлардан ташқари тиббий ва астрономик асарларни арабчага ўтирган. Халифа Маъмун даврида ал-Хажаж ибн Матар математик асарлар таржимасига фаолиятини бағишилаган. Хусусан, Эвклид асарларини ва Птолемейнинг «ал-Мажисти» рисолаларини афдарган.²

Аждодларимиз тил ўрганиб, илм ортидан дунёни кезган. Маҳдудлик қобигига ўралиб қолмаган, турғунлик, маҳаллийчилик уларга ёт бўлган. Байтул Ҳикма, Хоразм Маъмун Академияси, умуман, ислом олами олимлари фаолияти ўша даврдаги халқаро илмий интеграциянинг энг ёрқин намунасиdir. Бугун ҳам бизга гоявий ва илмий толерантлик (бағрикенглик), илмга, ҳақиқатга ташналиқ, миллий маҳдудликни, гоявий мутаассибликни тамомила инкор этиш хос бўлмоғи лозим. Ўз маҳаллий қобиғимизга ўралиб қолсак, жиддий тараққиётга эриша олмаймиз. Биринчи ва иккинчи ренессансларнинг тарихий шароити ва даври талаблари, имкониятларини ҳаққоний баҳолаб, Янги Ренессанснинг тарихий шароитлари ва талаблари мутлақо ўзгача эканини асослаш, далиллаш мақсадга мувофиқ. Учинчи Ренессанс тўртингчи саноат инқилоби билан

¹ Е.Э. Бергельс. Суфизм и суфийская литература. – М.: 1965, 25-б.

² Ўша манба, 26-б.

мувозий, бир вақтда кечади. Шу сабабдан, у аввало, технологик инқилобни, юксак ривожланган рақамли смарт (ақлли) иқтисодиётни тақозо қиласди. Ўз навбатида рақамли, смарт иқтисодиётга ўтиш учун ишлаб чиқаришни босқичма-босқич модернизация қилиш, автоматлаштириш, роботлаштириш талаб этилади. Мазкур жараён Ўзбекистонда қандай босқичларда амалга оширилиши, унинг моддий-молиявий, инсоний, илмий ва илмий-технологик таъминоти бўйича истиқболли аниқ комплекс дастурлар Янги Ренессанс ғояси билан мафкуравий жиҳатдан боғланиши шарт. Илмий, илмий-технологик таъминот тақозосидан келиб чиқиб, таълим-тарбия соҳасининг барча бўғинлари узлуксиз ислоҳ этиб борилиши керак.

Юқоридагилардан аёнлашмоқдаки, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш биздан халқаро ҳамжамиятга илм-фан, технологиялар, ахборот, маданият ва иқтисод соҳаларида янада чукурроқ интеграция бўлишни талаб этади. Аммо ўзлигимизни, тилимизни, миллый хусусиятларимизни, маънавиятимизни, яъни миллый идентлигимизни сақлаб қолишимиз шарт. Бу эса таълим-тарбия тизимига, ёш авлод қандай қадриятлар тизимиغا интилишига, дунёқарашда миллыйлик ва умуминсонийлик уйғун бўлишига жiddий эътибор қаратиш зарурлигини билдиради. Давлат раҳбари Ёшлар форумида таъкидлаганидек: «Жаҳон тарихи шундан далолат берадики, янги Ўйғониш даври китоб ва кутубхоналардан бошлиниди. Биз ҳам янги Ренессанснинг ilk қадами сифатида Тошкент шахрида замонавий, муҳташам кутубхона барпо этамиз. Бу даргоҳда юртимиз ва жаҳондаги энг нодир, ноёб ва бебаҳо асарлар жамланади»¹.

¹ **Шавкат Мирзиёев.** Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик. (Олий Мажлисга Мурожаатномадан ва Ёшлар форумида сўзлаган нутқидан иқтибослар). – Тошкент: 2021, 42-бет.

1.1. Учинчи Ренессанс пойдевори тушунчаси

Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улуғ мақсад белгиланган экан, аввало ушбу тушенча мазмунини, тузилмасини аниқлаб олиш зарур. Акс ҳолда тарғибот-ташвиқот ва бошқа амалий ишларда чалкашликлар келиб чиқиши мумкин. Баъзи бир телекўрсатув ва сұхбатларда айрим шошқалоқ журналистлар ва кўрсатув қатнашчилари «Биз Учинчи Ренессанс бошланишида яшайпмиз» деган фикрни айтмоқдалар.

Биринчидан, Ренессанс жамият тараққиётида сифат жиҳатдан ҳар томонлама янги босқич эканлигини яна бир бор эслатиш зарур. Жамият ҳаётининг эса нисбатан алоҳидалашган соҳалари, йўналишлари талайгина: масалан, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт, ижтимоий таъминот ва муҳофаза, таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, истороҳат, спорт ва ш.к, маънавий ҳаёт ва қадриятлар тизими, жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилмаси, сиёсат ва хуқуқ, мудофаа ва миллий хавфсизлик, жумладан, иқтисодий ва экологик хавфсизлик, ҳалқаро алоқалар, бошқа йўналишлар.

Учинчи Ренессанс бошланиши учун уларнинг барчасида янги сифат ўзгаришлар, пассионарлик юз бериши лозим.

Иккинчидан, Ренессансни амалга оширадиган мамлакат ва ҳалқ аввало ўз даврининг илғор мамлакатлари, ҳалқлари қаторига кўтарилиши шарт. Турмуш даражаси, иқтисодиёти, илм-фани жаҳоннинг илғор мамлакатларидан сезиларли даражада ортда қолган мамлакат, аввал тафовутни камайтириб, илғорлар гуруҳига кириб олиши зарур. Кунини қийинчилик билан ўтказадиган ҳалқ на илм-фанни, на адабиёт ва санъатни, на маиший маданиятини ривожлантира олади, на ўзининг эстетик ва бошқа маънавий эҳтиёжларини етарлича қондиради.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқадиган бўлсак, таҳмин қилиш мумкинки, Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун (ҳали Ренессанснинг ўзини эмас), аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни яна камида 20–25 минг долларга кўтариш керак. Илмий тадқиқотларга ЯИМнинг камида икки ярим, уч фоизга тенг улушини ажратиш талаб этилади. Биз бу вазифаларни 2040, кечи билан 2050 йилларгача уddaлашни мўлжал қилиб олишимиз мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий таъминот ва муҳофазанинг кенг аҳоли қатламлари учун асосий шакли – бу бандлик, барқарор даромад манбаи билан таъминлашдир. Меҳнат бозорида ишсизлик 3–3.5 фоиздан ошмаслиги, шунда ҳам талабгор ўртacha 3–4 ойда иш топа олиш имконига эга бўлмоғи лозим. Асосийси – иш ўринлари ҳажмига (сифати ва миқдорига) кўра, оддий, жўн – фаррошлиқ, қоровуллик, хат ташувчи куръер ва шунга ўхшаш малака талаб қилмайдиган иш ўринлари эмас, балки инсондан билим ва малака талаб қиласидиган, унинг шахс сифатида ўсишига, ўз имкониятларини юзага чиқаришига ёрдам берадиган касблар бўлмоғи лозим. Дарвоқе, ривожланган мамлакатларда автоматлаштириш, роботлаштириш ишлаб чиқаришдан ва майший турмушдан малакасиз ёки бир қолипга тушиб қолган ҳаракатларни талаб қиласидиган касбларни сиқиб чиқаришни бошлади. Ўзбекистоннинг ҳам қатор замонавий корхоналарида автоматлар ва ишлаб чиқариш манипуляторлари қўлланилмоқда.

Таълим тўртинчи саноат инқилоби талабларини, биринчи галда сунъий интеллект ҳаётга кенг жорий этилишини ҳисобга олиши керак. Келгусида роботлар ва автоматик қурилмалар ҳозиргидек заиф сунъий интеллект (СИ) эмас, юқори СИ асосида ишлайди. Шунингдек, юқори СИ қўлланиладиган нанотехнология-

лар, биотехнологиялар, когнитив технологиялар кенг тарқалади. Бу таълим тизимини боғчадан докторантурагача тўлиқ ислоҳ қилишни, аниқ, табиий ва техник фанлар соатларини кўпайтиришни талаб қилади. Аммо ҳафталиқ дарс соатларини кўпайтириш мушкул. Хўш, бу ниманинг ҳисобидан амалга оширилиши мумкин? Миллий онгни, ўзликни шакллантирувчи она тили ва адабиёти, Ватан тарихи, маънавият ва тарбия билан боғлиқ гуманитар фанларни қисқартириб бўлмайди. Соатларни фақат ўқитиш методикасини такомиллаштириш орқали топиш мумкин.

Замоннинг илмий-техник тараққиёт талабларига ҳам жавоб беришимиш, миллий онгимиз ва идентлигимизни ҳам нафақат сақлаб қолишимиз, балки мустаҳкамлашимиз зарур.

Миллий ўзлигини яхши англамайдиган халққа ҳеч қандай ренессанснинг кераги йўқ. Технократик қарашлар онгидаги хукмронлик қиласидан сон жиҳатидан кичик ва ўрта халқлар аста-секин йирик халқларга тил, маданият ва турмуш тарзи бўйича ассимиляция бўлиб кетади. Алоҳида олинган инсонларда эса ўзи ишлатиётган техник курилма ва компьютернинг мурватига, таркибий қисмига ёки жонли роботга айланиш тенденцияси кучаяди. Юқоридағилар ҳисобга олинса, техник ва гуманитар таълим орасида «олтин ўрталиқ»ни топиш жуда мушкуллиги ойдинлашади. Бир нарса аён: таълим тизимида фанларни ўқитиш услубияти тубдан янгиланиши лозим. Балки, ментал математикадагига ўхшаш услубларни қўллаб, бошланғич таълимни уч йилга, жами таянч таълимни етти йилга тушириб, ўрта мактабни 12 йилликка айлантириб, бугун бакалавриатда ўрганиладиган баъзи фанларни мактабдаёқ ўқитармиз. Буни вақт кўрсатади.

Ренессанснинг асосини ташкил этувчи ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари устида тўхталиш имконсиз. Фақат айримлари ҳақида фикр юритамиз. Мамлакатнинг ижтимоий-синфий тузилмаси ҳам ўзгариши муқаррар. Учинчи Ренессанснинг ижтимоий-синфий асосини ўрта синф ташкил қиласди. Ўрта синф деганда нафақат тегишли мулкдорлар ва тадбиркорлар, шуннингдек, даромади ва турмуш даражасига кўра, уларга яқин келадиган ижодкор зиёлилар: олимлар, адиблар, санъат аҳли, тиббиёт ходимлари ҳамда давлат хизматчилари ва юксак малакали инженер-техник ходимлар, иқтисодчилар, менежерлар, адвокатлар, амалиётчи психологлар, ишчилар назарда тутилмоқда.

«Ренессанс буюк титанларга муҳтоҷлик сезди ва уларни яратди» деган нақлни доимо ёдда тутиш лозим. Атоқли кашфиётчи олимлар ҳалқимиз орасидан етишиб чиқиб, фундаментал ва амалий фанларни, янги технологияларни яратмас экан, Учинчи Ренессанс орзулигича қолади. Худди шундай адабиёт ва санъат ижодкорлари, таълим ва маданият вакиллари билан бирга аҳолининг ижтимоий мўлжалларини, янги юксак қадриятлар тизмини қарор топтирумас экан, Учинчи Ренессанс пойдевори яратилмайди. Ренессанс пойдевори яратилишида ҳал қилувчи омил – ҳалқимизнинг дунёқарashi ва идеаллари юксак талабларга мос ўзгаришидир. Мехнат ва яратувчилик, янгиликларга, тараққиётга интилиш, ҳалоллик, ижтимоий адолат ва толерантлик, умуман ижтимоий фаоллик ҳалқнинг асосий мўлжалига, турмуш тарзининг ажралмас қадриятига айланиши зарур.

Иқтисодиёт ва турмуш фаровонлиги Ренессанс пойдевори яратилишининг моддий асосларидир. Мутахассислар, ижодкор ва юксак малакали кадрлар, ўрта мулкдорлар синфи бу жараённинг ижтимоий асосларидир. Аммо илм-фан адабиёт ва санъат, маданият ва бутун

қадриятлар тизими мазкур жараённинг маънавий асослари ва ижтимоий мазмунидир.

Жамиятдаги ҳар қандай тараққиёт, бунёдкорлик, эркинлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликсиз юз бермайди. Давлатнинг адолатли сиёсати, инсон ҳуқуқлари ва экинликларининг кафолатланиши, мулк турли шаклларининг тенгҳуқуқлилиги ва муҳофаза қилиниши, қонун устуворлиги, демократия ва фуқаролик жамияти ривожланиши Учинчи Ренессанс асослари яратилиши шартидир. Ижтимоий зиддиятлар синфий курашни, конфронтацияни келтириб чиқармаслиги керак. Сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг ва маънавий тарбиянинг мақсади синфий конфронтациянинг олдини оладиган ижтимоий шерикликни қарор топтиришdir. Бунга сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотлар ўтказишидан ташқари, фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш орқали эришилади. Чунки фуқаролик жамияти одамларнинг барча ўйналишларда фаоллигини, ташаббускорлигини, мустақил тафаккур юритишини англатади.

Демак, Учинчи ренессанс пойдеворини яратишнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий-демократик, ҳуқуқий, маънавий-маърифий ва маданий асослари мавжуд. Бу асосларнинг ҳар бири бўйича пухта ўйланган тизимли, илмий асосланган ишлар олиб борилмоғи лозим.

Ҳар бир жамият ўзига зарур шахсни тарбиялайди. Унга ўз тараққиёти даражаси ва тенденцияларидан келиб чиқиб ахлоқий, эътиқодий, касбий-профессионал, ҳуқуқий ва бошқа қатор талаблар қўяди. Жамият тараққиётининг асл ҳаракатлантирувчи кучи ва ижодкори ҳам, пировард мақсади ҳам инсон, унинг фаровон, эркин ва хавфсиз турмуш кечиришидир. Жамият талабига тўлиқ жавоб берадиган киши турли даврларда

ҳар хил аталган. Юсуф Хос Ҳожиб уни «тугал эр», Форобий «фозил киши», тасаввуф намояндадари «комил инсон» деб атаганлар. «Ҳар томонлама ривожланган шахс», «үйғун ривожланган шахс» атамалари ҳам қўлланилган.

Мустақилликдан кейин шахсга нисбатан «комил инсон», ёш авлодга нисбатан «баркамол авлод» атамалари қўлланила бошланди. Гап атамада эмас. Қандай сифат қўлланилмасин, келажак инсонини тарбиялашда, аввалио, жамият тараққиёти тенденциялари ва айни пайтда миллий маънавиятимиз хусусиятлари ҳисобга олинмоғи лозим. Бинобарин, сунъий интеллект ва юксак технологияларга таянадиган «тўртинчи саноат инқилоби»нинг инсонга қўядиган талабларини олдиндан моделлаштириш ва таълим-тарбия тизимини уларга мослаштириш керак. Ҳудди шундай миллий идентлигимизни сақлаб қолиш учун она тилимизни, тарихимизни, адабиётимиз ва санъатимизни етарлича ўргатишнинг оптимал йўлларини топмоқ лозим. Урф-одатларимиз ҳам такомиллаштирилиши ва замонавийлаштирилиши жуда зарур. Ижтимоий онгда, одамларнинг хатти-харакатларида бурилиш юз бермоғи, янги идеаллар ва қадриятлар қарор топмоғи даркор. Ренессанс буюк ижодкор шахслар, атоқли бунёдкорларсиз амалга ошмайди. Ф.Энгельс Европа Ренессанси ҳақида гапириб, у титанларга муҳтож эди ва титанларни яратди, деганида ҳақ эди. Ҳар икки Ренессансимиз ҳақиқатан номларини юқорида келтирилган буюк титанларни яратди ва улар туфайли ривожланди. «Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яра-

тишимиз керак»¹. Шу сабабдан мактабгача таълим, ўрта таълим, ўрта маҳсус таълим, олий таълим, илм-фан, маданият соҳалари тубдан ислоҳ қилинмоқда. Ёшлар сиёсати ҳар томонлама чукур ривожлантирилмоқда, ёшларга ўз имкониятларини тўла юзага чиқариш учун барча шарт-шароит яратилмоқда.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғоясини ўқитиши ва кенг жамоатчилик онгига етказишида ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш, меъёрдан ошириб юбормаслик талаб этилади. Мафкуравий ишларда совет давридан қолган бир иллат бор: ҳар қандай ғоя тарғиботини сафсатабозликка, кампаниябозликка айлантирамиз. Билганин ҳам, билмаганни ҳам эртаю-кеч тинимсиз гапиртирамиз, интервьюлар оламиз, одамларнинг меъдасига тегиб қолганини сезмаймиз. Ғоянинг мазмуни аста-секин жўнлашади, баъзи жиҳатлари эса сохталашиб қолади. Чунки интервью берувчилар, мақола ёзувчилар, журналистлар бир-биридан ўтказиб таърифлашга, ўзининг «ғоявий етуклиги»ни ва олға сурилган ғояга ҳаммадан садоқатлироқ эканини кўрсатишга ҳаракат қиласди. Баъзан истак сифатида ёки мўлжал этиб белгиланган ғоя, яъни ҳозирча йўқ нарса, аллақачон амалга оширилаётган бор нарса сифатида талқин қилинади. Одамлар, табиийки, унга ишонмайди. Ана шундай мафкуравий шошма-шошарлик туфайли ғоянинг ўзини сохта сафсатага айлантирамиз ва 2–3 йилда обрўсизлантириб, одамларни ундан юз ўгиритирамиз. Диалектика қонунига биноан меъёр бузилса, ҳар қандай жараён ўзининг инкорига айланади. Оддий тилда бу «қош кўйман деб, кўз чиқариш» дейилади. 2000 йилда эълон қилинган миллий ғоя ана шундай муносабатга учради.

¹ Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик. (Олий Мажлисга Мурожаатномадан ва Ёшлар форумида сўзлаган нутқидан иқтибослар). – Тошкент: 2021, 10-бет.

Шошиб таълимнинг барча бўғинларига жорий қилинди, лекин ғоянинг тадқиқотига ва илмий асосланишига деярли эътибор берилмади. Ислоҳотларнинг аниқ вазифалари ва иқтисодиёт, ижтимоий соҳаларнинг хусусиятлари билан боғлаб, жонли мазмун бағишлиш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Натижада, у мафкурабозлик домига тушиб қолди.

Миллий фоя 5–10 йилда амалга ошиб қолмайди. У барча йўналишларда, барча соҳалар ва тармоқларда узоқ муддатли, машаққатли ва ўзаро мувофиқлаштирилган умумий, умуммиллий саъй-ҳаракатларни тақоизо этади. У бир неча босқичларда, нисбатан йирик давр мобайнида амалга ошади. Шу сабабдан унинг оралиқ босқичлари, эврилиш нукталари, доимий умумий ва актуал, динамик (долзарб, ўзгарувчан) тамойиллари, мезонлари бўлиши табиийdir.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғоясининг оралиқ босқич вазифалари аниқланиши керак. Масалан, 2030 йилда, 2040–2050 йилларда биз аҳоли жон бошига тахминан қанча ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарамиз, жаҳон рейтингида тахминан қандай ўринларга кўтарилемиз. Таълим, маданият, илм-фан соҳаларида қандай кўрсаткичларни, мэрраларни забт этамиз. Улар бўйича мўлжаллар белгиланиши лозим. Шунда мазкур ғоянинг сафарбарлик таъсири конкрет ва кучли бўлади. Аммо мўлжаллар ҳавои бўлмаслиги, конкрет ракамлардан ташкил топмаслиги керак. Янги АКТ, нанотехнологиялар, биотехнологиялар, сунъий интеллект яратиш ва ш.к. йўналишлардаги вазифалар ҳам эътибордан четда қолмаслиги зарур. Ҳар қандай буюк режалар, буюк ғоялар инсон эҳтиёжлари, турмуши яхшиланиши, эркинлиги ортиши ва маънавий камолоти билан бевосита боғлансангина, ҳаётийлик ва реаллик касб этади. Акс холда у ҳавои орзу - ҳаваслигича қолиб кетади.

II. АЖДОДЛАРИМIZНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ (БИРИНЧИ РЕНЕССАНСИМИЗ)

Мовароуннахрда ислом узил-кесил VIII аср бошида қарор топди. Ғарбда Шом ва Мисрнинг Шарқда Эрон ва Марказий Осиё мамлакатларининг ислом таъсирига ўтиши янги тамаддун шаклланишини тезлаштириди. Зоро, бу мамлакатларда маънавий маданият, айниқса, илм-фан, адабиёт ва санъат ҳамда иқтисодиёт, савдо-сотик, хунармандчилик ва сиёсий институтлар Ҳижозга нисбатан анча ривожланган ва қадим анъана-наларга эга эди. Марказий Осиё ҳалқлари кўплаб динларга эътиқод қиласар, ҳар хил ғоялар ва таълимотлардан яхши хабардор эдилар. Уларни ўзаро қиёслаш, ҳар бир ғоянинг самарали жиҳатларини ажратиб олиш ва унумли фойдаланиш кўнижасига эга эдилар. Шу сабабдан американлик фан тарихчиси Ф.Старр: «Дунёнинг ҳар қандай бошқа бурчагида интеллектуал жиҳатдан бундан-да «бағрикенг» миңтақани тасаввур қилиш мушкул», – дея таъкидлаган. Араб халифалиги бу борада ўз таркибиға кирган мамлакатларда илгари эришилган ютуқларнинг кўпчилигига ворис бўлди. Уларни ислом мағкурасига мослаштириб янги тамаддунининг асосига қўйди.

Ренессанс юз бериши учун ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар етилиши керак. Аввало, маҳаллий,

¹ **Фредерик Старр.** Марказий Осиёнинг янгитдан кашф этилиши // «ЎҲаҷон адабиёти». Май – 2014, 54-б.

минтақавий бозор, марказий бозор (агар у мавжуд бўлса), халқаро бозорлар ўртасида алоқалар тезлашиб, мунтазамлик касб этмоғи даркор. Ўтмишда Буюк Ипак йўли, бошқа карvon йўллари шунчаки турли буюмлар, маҳсулотлар сотиш, харид қилиш йўллари бўлмаган, улар, шунингдек, ишлаб чиқариш технологиялари, техник, илмий, бадиий, диний ғоялар бутун дунёга тарқаладиган қудратли воситалар вазифасини ҳам бажарган. Шарқдан-Ғарбга, Ғарбдан-Шарқка карвонлар билан бирга турли саёҳатчилар, ғаройиботлар ва янгиликларга қизиқувчилар, ризқ излаган ҳунармандлар, янги илм, тажриба ахтарган табиблар ва олимлар, санъаткорлар, мусаввирлар, ҳайкалтарошлар, диний тарғиботчилар (миссионерлар), омад ва баҳт излаб юрган ҳар хил авантюристлар ҳам ҳаракат қилган. Улар янги ижобий ва салбий мазмундаги ғояларни, билимларни, янги тажрибани ташувчилар ва тарқатувчиларига айланишган. Абу Райҳон Беруний шундай маълумот қолдирган. Ўсмирлик пайтларимда, деб ёзади буюк аллома, бизнинг жойда бир юонон табиби яшарди. Мен жуда қизиқувчан бўлганим сабабли турли ўсимлик, гиёҳларни териб, уруғларини йиғиб, унинг олдига келиб, юононча да қандай аталишини сўрардим. У айтган атамаларни ёзиб олардим.

Ушбу сўзлардаги икки маълумот эътиборга лойик. Биринчиси, Беруний ёшлиқдан, илмга ташна бўлгани, юонон тилини, умуман, тилларни ўрганишга интилгани тўғрисида. Илмга қизиқиш ёш Беруний учун қадриятлар тизимида энг юқори поғонада турган ва унинг ижтимоий мўлжалига, хулқ-авторини, фаолиятини белгиловчи идеалга айланган. Иккинчиси – ижодкорлар дунё кезган, одамлар, халқлар, маданиятлар амалда мулоқот қилган, бир-биридан ўрганганди.

Бу икки маълумотдан ташқари, энг асосийси – ислом яратган янги қадриятлар тизими – бағрикенглик,

фаоллик (ҳаракатчанлик, яратувчанлик), илм-фанни, адолатни, ҳақиқатни ҳамма нарсадан устун қўйиш ва уларга интилиш эътиқод унсурларига айланиб аҳолининг барча қатламларига, мусулмон аҳлига ички куч-ғайрат ва улкан иродада бағишилаганини кўрсатади. Илм ёрдамида юксалиш жамиятнинг ижтимоий мўлжалига айланган эди. Биз юқорида «Илм излаб Чинга бўлса-да, бор», «Бешикдан то қабргача илм изла» деган ҳадисларни келтирган эдик. Булар шунчаки вазиятга қараб айтилмаганини, балки ижтимоий мўлжал бўлганини яна бошқа бир ҳадис тасдиқлади: «Ҳикматни мушрикнинг оғзидан бўлса-да, ўрган»¹. Мазкур ҳадисда нафақат илм ҳикмат) улуғланмоқда, шунингдек, илм ўрганиш борасида бағрикенг бўлиш, ўз диний қобиғида ўралиб қолмаслик лозимлиги ҳам уқтирилмоқда. Ҳар бир нуфузли масжиднинг ўз кутубхонаси бўлган. Адам Мең ёзишича, ислом оламининг X асрдаги уч буюк ҳукмдори – Курдоба (Испания), Қохира ва Боғдод ҳукмдорлари китобсевар сифатида тарихда ном қолдирган. Китоб тўплаш ва йигиш шунчалик урфга айланганки, нафақат ҳукмдорлар ва илм аҳли, ўзига тўқ кишилар ҳам ушбу масалада жуда фаоллик кўрсатган, улкан маблағлар сарфлаган. 967 йилда Боғдод ҳокимининг фалаён кўтарган ўғлининг 17 мингта муқоваланганди китоби мусодара қилинган. Марв ва Бухоро кутубхоналари тўғрисида тарихий маълумотлар қаторида турли гўзал ривоятлар ҳам бизгача етиб келган. Ибн Сино гўёки 16 ёшида бир йил давомида сомонийлар саройи кутубхонасидан ташқарига чиқмасдан фойдаланган. Бухоро амири X асрда Фазнадан ас-Соҳибни вазирликка таклиф қилганда, у Бухорога кўчиб бориш қийинлигини рўкач қилган. Фақат унинг

¹ Е.Э. Бертельс. Суфизм и суфийская литература. – М.: 1965, 25-б.

китоблари 400 туяга юк бўлар экан. Китобларнинг номи қайд этилган библиографияси 10 томни ташкил этган. Афсуски, ушбу кутубхонаға ғазнавийлар даврида тўлиқ ёниб кетган.¹

«Ўшанда кутубхоналар билан биргаликда илмий муассасаларнинг янги шакли вужудга келди, – деб ёзади Адам Мец, – уларда китоб сақлаш ўқитиш билан ёки ҳар ҳолда бажарадиган ишга ҳақ тўлаш билан кўшиб олиб бориларди. Мосул акобирларига мансуб шоир ва олим Ибн Ҳамдон (935 йил вафот этган), ўз шахрида «Илмлар уйи» (дар ал-илм ёки дорул-илм) таъсис этди. Унинг барча илмий соҳаларга оид китобларга эга кутубхонаси бор эди. У фойдаланиш учун илмга интилувчиларнинг ҳаммасига очиқ бўлган, муҳтожларга, ҳатто қоғоз ҳам берилган»². Дорул – илмлар сони ҳам тез ўсган. Мадрасалар қатори улар ижтимоий ва маданий тараққиётга жуда баракали таъсир кўрсатган, маънавий муҳитни ва одамлар ўртасидаги муҳитни янада яхшилаган. Х аср ўрталарига келиб ислом мамлакатларидағи илм-фан ривожи ҳақида «Ихван ас-Сафа» (Софлик биродарлари) гурухи ал-Муқаддасий, аз-Занжоний, Мухржоний, ал-Авфий ва Зайд ибн Руфъа томонидан яратилган ўзига хос энциклопедия маълумот беради. Энциклопедия 51 та рисоладан иборат. Улар тўрт йўналишга бўлинган: а) дастлабки билимлар ва мантиқ (1–13 рисолалар); б) табиий фанлар ва инсон ҳақида маълумот (14–30 рисолалар); в) жаҳоний рух ҳақида таълимот (31–40 рисолалар); г) илоҳиёт фанлари (41–51 рисолалар)³. Дастлабки билимлар ва мантиқ йўналишига кирган фанларни санаб ўтамиш: 1) арифметика (хисоб); 2) геометрия (ҳандаса); 3) астрономия (нужум);

¹ Қаранг: Адам Мец. Мусульманский Ренессанс, 150-6.

² Ўша манба, 152-6.

³ Е.Э. Бертельс. Суфизм и суфийская литература. – М.: 1965, 26-б.

4) география ва ернинг етти иқлими ҳақидаги таълимот; 5) мусиқа назарияси; 6) математик муносабатлар ҳақидаги таълимот. Ундан кейин фалсафа қўйидаги тартибда ўқитилган: 7) фанлар назарияси ва таснифи; 8) уларни амалиётда қўллаш; 9) типология. Ундан сўнг мантиқ ўқитила бошлаган: 10) Арасту Органионига Порфирий ёзган кириш (исагужи); 11) категориялар (катигуриас); 12) герменевтика (бари ирманийас) ва биринчи аналитика; 13) иккинчи аналитика, яъни исбот ҳақида таълимот.¹

Биргина дастлабки билим учун зарур фанлар 13 тани ташкил этмоқда. Ундан кейин табиатни ва инсонни ўрганишга қаратилган 17 та фан ўқитилиб, унда физика, астрономия ва геология, тўрт унсур ҳақида таълимот, метеорология, минерология, ботаника, зоология каби фанлар бор.

Ихван ас-Сафа энциклопедиясида келтирилган фанлар тизими X аср ўрталарига хос. Унда қадимги юононлар, хусусан, Аристотель таъсири кучли. Фақат минерология Аристотель бўйича берилмаган. Лекин ҳали ар-Розий, Беруний, Ибн Сино, ал-Хайсан ва кейинги бошқа даҳолар ҳиссаси бошланмаган эди. Чунки улар ҳали туғилмаган ёки илмий фаолиятни бошламаган эди. Улар асарлари ислом илм-фанини сифат жиҳатидан ўзгартириб юборди.

Ислом Ренессансга, тамаддунининг равнақ топишига бизнинг аждодларимиз муносаб ҳисса қўшдилар. Бу моддий маданиятнинг дехқончилик, чорвачилик тармоқларининг баъзи соҳаларига, геодезия, ер ўзлаштириш, ирригация ва мелиорация, сугориш иншоотлари куриш, шаҳарсозлик билан боғлиқ айrim ютуқларга тегишли. Ипакчилик, пахтачилик, тўқимачилик, полизчилик, боғдорчилик, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик

¹ Е.Э. Бертельс. Суфизм и суфийская литература. – М.: 1965, 26-б.

маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича аждодларимиз тўплаган тажриба, парвариш қилинадиган ўсимликларнинг айрим турлари араб мамлакатларига тарқалди. Ўз навбатида мазкур соҳалар бўйича уларда тўпланган тажриба, баъзи ўсимликлар бизга келтирилди (масалан, маккажўхорини минтақамизга Маккага, ҳажга борган ота-боболаримиз олиб келишган). Савдо-сотик ишларида уларга teng келадиган кишилар кам эди. Хитойда бутун Ипак йўли бўйлаб суғдлар, хусусан, самарқандликлар савдо уйлари курган эдилар. Жанубий йўналишдаги улар фаолияти ҳақида қуидаги парча қизик маълумот беради:

«Илк ўрта асрларда, – ёзади Ўз ФА академиги Эдвард Ртвеладзе, – суғдлар денгиз йўлларини ҳам ўзлаштирган: Ҳиндистон ва Маллакка яриморолини айланиб ўтиб, улар Хитойнинг жануби-шарқига ва Японияга кириб борган. Кантон вилоятида ва Япониянинг қадимги пойтахти Нара шаҳридаги Хоружи қасридан топилган суғд ёзувлари бунинг далилидир. Ишониш кийин, аммо бу факт – X асрда, Бузург ибн Шахриёрнинг «Ҳиндистон ажойиботлари» китобида баён этилган, унга кўра, Арабистон денгизи самарқандликларнинг денгиз йўлларини эгаллашдаги устун мавқеини акс эттириб, «Самарқанд океани» деб аталган»¹.

Давлат бошқаруви ва ҳарбий санъатни ривожлантиришга ҳам аждодларимиз қўшган ҳисса бениҳоя катта. X аср охиридан бошлаб XVII асргача ислом мамлакатларининг аксариятини (аҳолиси туркий бўлмаганларини ҳам), айримларини эса XIX–XX асргача туркий сулолалар бошқаргани, Маҳмуд Газнавий, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби буюк саркардалар бобокалонларимиз орасидан чиққани бунинг далилидир.

¹ Э. Ртвеладзе. Устозларнинг устозлари // «Маънавий ҳаёт». №2., 2014, 47-б.

сомонийлар, ғазнавийлар, қорахонийлар, салжуқийлар, хоразмшоҳларнинг давлат тутими, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома»си, Темурнинг «Тузуклар»и, Темур ва темурийлар даврида ер, мулк муносабатлари, сувдан фойдаланиш тартиби, божхона ва солик тизими, савдо йўлларининг, бозорларнинг давлат ҳимоясида бўлиши, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими давлат вазифалари кенгайишига ва такомиллашувига хизмат қилди.

Ислом тамаддунининг моддий-иқтисодий, сиёсий-ташкилий томонларига аждодларимиз қўшган ҳиссаси ҳақида батафсил тўхтамаймиз. Зеро, буларнинг ҳар иккиси ҳам мустақил, аммо ниҳоятда мураккаб ва кам ўрганилган мавзулардир. Фақат ислом Ренессансига, илм-фанига, маънавий маданиятига қўшган ҳиссаси ҳақида баъзи бир фикрларни қайд этиб кетамиз, холос.

Мазкур масала ижтимоий-гуманитар фанлар томонидан бир неча йўналишларда ўрганилиши мумкин. Биринчидан, аждодларимизнинг ислом илмига: мухаддисликка, фиқҳга, илм ат-тафсирга, каломга, тасаввуфга – шаръий илмлар ривожланишига қўшган ҳиссаси. Иккинчидан, аждодларимизнинг дунёвий фалсафа, дунёвий илм-фан – табиатшунослик ва ижтимоий-гуманитар фанлар ривожланишига, равнақига қўшган ҳиссаси. Учинчидан, уларнинг Бағдоддаги «Байтул ҳикма»да, Ҳижоз, Миср, Сурия, Эрон ва бошқа мамлакатларда илм-маърифат тарқатгани, илмий тадқиқотлар олиб боргани. Тўртинчидан, аждодларимизнинг адабиёт, мусиқа, ракс, меъморчилик, наққошлик ва тасвирий санъат, хаттотлик ва китобат санъати ва ҳ.к.ларга, яъни нафис санъат ривожланишига қўшган ҳиссаси. Бешинчидан, аждодларимизнинг Сибирь, Даشتி Қипчоқ, Жанубий Ўрол, Ўрта ва Куюи Волгабўйи (Итил), Булғорлар юрти, Шарқий Туркистанда ислом дини-

ни, янгича маънавият ва дунёқарашни, урф-одатларни тарғиб этиш, тарқатиш бўйича олиб борган фаолияти.

Равшанки, ҳар бир йўналишнинг ўзи маданият-шунослик, диншунослик, фалсафа, муайян табиий ва гуманитар фанлар тарихи доирасида юзлаб асарларга мавзу ва тадқиқот обьекти бўла олади. Шу боис уларни тўлиқ таҳлил қилишга, ёритишга бир ёки бир неча тадқиқот доирасида ҳеч қандай имкон йўқ.

Дунёвий илм-фан юксалиши. Дунёвий илм-фан ва маънавият ривожига аждодларимизнинг қўшган ҳиссаси жуда салмоқли бўлди. Очигини айтганда, минтақамизда шаръий илмлардан аввал дунёвий илм-фан юксак чўққиларни забт этди. Бу табиий эди. Чунки бу борадаги салоҳиятимиз исломгача ҳам шу қадар ба-ланд эдики, уни Кутайба қатағонлари йўқ қила олмади. Берунийнинг маълумот беришича, гарчи Кутайба хоразмликларнинг барча котибларини (илмли, саводли кишиларни) ҳалок этиб, ёзувларига ўт қўйган бўлса-да, лекин Хоразмда, Суғдда ва бутун Ўрта Осиёда умумий савия ва табиатшунослик илми шу қадар юқори эдики, нисбатан тарихий қисқа муддатда ҳалқ ўз салоҳиятини қайта тиклай олди. Шу боис дунёвий илм-фандада аждодларимиз исломни қабул қилганидан бир аср ўтар-ўтмас буюк қашфиётлар қилди. Шаръий илмлар бўйича даҳолар тарбиялаш учун ислом эътиқоди ҳалқ онгига икки-уч авлод давомида чукурроқ сингиши ке-рак эди.

Минтақамизда ислом эътиқодига ўтганимиздан ке-йин биринчи чиққан буюк қомусий даҳо Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (780–850 йй.) шаръий илмларнинг биринчи даҳоси Имом ал-Бухорийдан 30 ёш каттадир. Бошқа бир даҳо Аҳмад ал-Фарғоний тахминан Ал-Бухорийдан 10–12 ёш катта (ўқувчидা «нега унда Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Аҳмад

Фарғонийнинг 1200 йиллиги 1998 йилда нишонланди?», деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, Имом Бухорий ёши қамарий йил ҳисобида, Фарғоний ёши эса шамсий йил ҳисобида чиқарилган. Шамсий йилнинг бир асри қамарий ҳисобда 103 йилга teng бўлади. Бу ўн икки асрда 36 йилни ташкил этади. Фарғонийнинг ёши қамарий ҳисобда юбилей йилида 1236 ёшга teng бўлган. Аксинча, Бухорий шамсий ҳисобда юбилей йилида 1188 (таваллуди милодий 810 йил) ёшга teng бўлган.

Хоразмий, тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, инсониятни ҳозирги формал математик тафаккур тарзига (демак, умуман, тафаккурнинг ҳозир қўлланилаётган шаклига) ўргатган даҳодир. Масалан, алгоритм назариясининг илдизи бевосита Ал-Хоразмийнинг илмий услубига, объективлаштириш ва формаллаштириш тамойилига бориб тақалади. У арифметикани тубдан ислоҳ қилди. Алгебра фанига асос солди, бутун дунёда қўлланилаётган «араб рақамлари»ни – 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 0 – фанга киритди, ўнлик тартибини (системасини) жорий қилди. Хоразмий исмидан нафақат «алгоритм» атамаси ясалган, шунингдек, унинг асари номидан «алгебра» тушунчаси ҳосил бўлган. Хоразмийгача айрим алгебраик масалалар ва уларнииг ечими мавжуд бўлса-да, алгебра яхлит тизимга келтирилган фан сифатида шаклланмаган эди. Хоразмийгача ҳинд математикасида рақамларнинг баъзи бирлари ва ўнлик тартибининг айрим унсурлари бўлган. Хоразмий уларни тубдан қайта ишлаб, янги система яратди.

Яқин Шарқда ва Европада қадимги Бобилдан келаётган олтмишлиқ ҳисоб системаси қабул килинган эди: 60 секунд = 1 минут; 60 минут = 1 соат; доира $60 \times 6 = 360$ градус ва х. к. Сонлар позицияга эга эмас эди: масалан, Римда 8 сони – VIII, 9 – IX, 10 – X, 50 – L,

100 – С, 1000 – М кўринишида ёзилар эди. Хоразмий ўнлик системаси билан сонларнинг позициясини амалиётга киритди. 1 – 10 – 100 – 1000 ва х.к.; ўнгдан биринчи рақам бирликларни, иккинчиси ўнликларни, учинчиси юзликларни ва х. к. белгилайди. Агар бирор позицияда сон бўлмаса «0» (катта нуқта) қўйилган. Бир юз бир сони 101 шаклида ёзилади. Бунда ўнлиқда сон йўклигини «0» белгиси ифодалайди. «0» арабчада «ас-сифр» – бўшлиқ деб аталган. Бугун европа тиллари-даги цифр (а) – «рақам» сўзи «ас-сифр»нинг лотинча талаффузидир.

Хоразмий туфайли математик билим олиш ва ҳисоб-китоб қилиш умуман қулайлашди. Тасаввур қилинг: қадимги римлик эллиқдан йигирма бирни айирмоқчи. Ёзувда буни амалга ошира олмайди, чунки сонларнинг позицияси ва ноль-бўшлиқ йўқ: L – XXI. Жавобини ёзиш учун у аввал амалда айириши керак. Лекин ёддан айириш ҳам юқоридаги сабабга кўра мушкул. У 50 дона тошча (чўпча ва х. к.) дан 21 тасини айириб кейин жавоб топган. Шу боис Яқин Шарқда ва Европада чўтга ўхшаш асбоб, линейка, циркуль ва бошқа анжомлардан оддий арифметик ҳисоб-китобда фойдаланилган.

Хоразмий системаси бўйича эллиқдан йигирма бирни олишнинг ҳеч қийин жойи йўқ. Буни бошланғич синф ўқувчиси муваффақиятли амалга ошира олади: $50 - 21 = 29$. Мазкур сонларни айириш учун ҳеч қандай чўт ёки циркуль, линейканинг кераги йўқ. Сонларнинг қатъий позицияси бўлғанлиги учун буни, ҳатто ёддан, оғзаки бажариш мумкин. Айтиш лозимки, Европа фани XVII асрнинг биринчи чорагида дифференциал тенгламаларни каашф этмагунча Хоразмий математикасига туб янгилик киритолмади, уни янги босқичга кўтара олмади, фақат такомиллаштириди. Бошқача айтганда,

Хоразмий алгебраси 800 йил давомида математика фанининг юқори чўққиси бўлиб келди ва ҳозир ҳам элементар математика соҳасида ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Ўнлик ҳисоб рақами ва сонлар позицияси нафакат математик фанларда, шунингдек, инсоният тафаккур тарзида, юқорида айтилганидек, инқилоб ясади. Табиий-илмий билимларни ҳисоб-китоб қилиш, умумлаштириш, формаллаштириш, ифодалаш, тўплаш, авлоддан-авлодга узатиш, умуман объективлаштириш анча соддалаштирилди, теран, холис ва универсал шаклга кўчирилди. Фанлар тарихи билан шуғулланувчи АҚШлик Жорж Сартоннинг Хоразмийга берган «барча замонларнинг энг буюк математиги» баҳоси жуда адолатлидир.

Бошқа бир даҳо – Аҳмад Фарғонийнинг турли кашфиётлари ўз замонаси учун мукаммал эди. Фарғонийнинг ер курраси, унинг тузилиши, географик узоқликлар ва кенгликларни ўлчаш асбоби, астрономия ҳақидаги асарлари, ер куррасининг у чизган харитаси буюк географик кашфиётлар – Америка қитъасининг, Ҳиндистонга денгиз йўлининг очилишида жуда катта роль ўйнаган. Нил сувини ўлчаш бўйича бунёд этган қурилмаси 1967 йил Асвон тўғони қурилгунча Миср халқига ўн бир аср давомида амалий хизмат қилди. Британиялик профессор Фредерик Стэрр ёзишича, Христофор Колумб унинг экспедициясига шубҳа билан қараган кишиларни Фарғонийнинг лотин тилига ўғирган «Самовий ҳаракатлар ва илми нужум тўплами» далиллари билан ишонтирган. Саёҳат пайтида Колумбга Фарғоний такомиллаштирган астралябия (устурлоб) ва бошқа асбоблар катта ёрдам берган. Аҳмад Фарғоний ер курраси меридиани узунлиги ҳисобини чиқарди. Бунинг учун амалий эксперимент ўтказиб, тригонометрик

ҳисоб-китоблар қилди. Устурлобни такомиллаштириб, ислоҳ қилди. Ердаги ҳеч қандай мўлжал, белгиларсиз, яъни денгизда ёки саҳро ўртасида карвоннинг қаерда эканини, жойлашув координатларини ҳисоблаш усулини фанга киритди. Миқёси Нилни яратиб, дарё сувини ўлчаш, шунга қараб мўл ҳосил учун етарли ёки етарли бўлмаслигини аниқлаш, табиатдаги сув айланмасини (Нил ҳавзасида) ҳисобини чиқарди. Лекин бу фақат илмий, географик ёки математик, физиковий янгилик бўлиб қолмасдан, шунингдек, давлат иқтисодиёти, яъни солиқ микдорини белгилаш масаласи ҳам эди. География (жўғрофия) фанининг табиат ҳодисалари, иқлим ва ландшафтни баён қилувчи амалий маълумотлар тўпламидан, назарий илм-фанга айланишининг бошида Фарғоний турибди десак, муболаға бўлмайди. Фарғоний ер координатлари ўлчовини ҳисоблаб, миқёси Нилни барпо этиб, амалий механика ва саноат архитектура – қурилишига, геометрия, тригонометрия ва риёзиёт фанлари ривожланишига катта хисса қўшиди. Гидрометеорология фанини ilk бор яратди.

Машхур араб халифаси Ҳорун ар-Рашид Бағдодда «Байтул ҳикма» – «Ҳикматлар уйи»ни бунёд этган. Унга жаҳоннинг турли ўлкаларидан минглаб китоблар келтирилган ва араб тилига таржима қилинган. «Байтул ҳикма» ҳозирги Фанлар Академиясининг ilk кўринишидир. У Ҳорун ар-Рашидинг ўғли Маъмун даврида ҳақиқий тадқиқот марказига айланди. Маъмун таҳт тепасига келишидан аввал Хурросонда ноиб эди. У даврда Хурросон ноибининг тасарруфига ҳозирги бешта Марказий Осиё давлатлари, Шарқий Эрон, Афғонистон ва исломни қабул қилган Шимолий Ҳиндистон кирар эди.

Маъмун пойтахти Марвда «Байтул ҳикма»га ўхшаш марказ мавжуд бўлиб, унда ўлқанинг энг буюк

олимлари, алломалари йигилган эди. Маъмун халифа бўлгач, уларнинг аксариятини ўзи билан Бағдодга олиб кетади. Энди «Байтул ҳикма» илгаргидек кўпроқ таржима билан эмас, балки оригинал тадқиқотлар билан шуғулдана бошлади. Туркистонликлар «Байтул ҳикма» тадқиқотчилари нинг асосини ташкил қилди. Хоразмий ва Фарғоний ўз даврида «Байтул ҳикма»га раҳбарлик ҳам қилишган.

«Байтул ҳикма»да Хоразмий ва Фарғонийдан ташқари, Хоразмийнинг яна икки туғишидан укалари, ота-ўғил Марвазийлар, ота-ўғил Марворудийлар, ас-Сараҳсий, Абу Машар Балхий, Аббос ал-Жавҳарий ва бошқалар хизмат қилдилар. «Байтул ҳикма» фаолиятини ўрганган ғарб олими Г. Зутер унда фаолият кўрсатган математиклар ва астрономлар рўйхатини тузганда, маълум бўлишича, уларнинг деярли ҳаммаси (95 фоизи) Марказий Осиё ва Эрондан бўлиб чиқди.

Юқорида келтирилган далилларнинг ўзиёқ аждодларимиз ислом дунёсида илмий-тадқиқот, табиатшunosлик фанлари ривожланишида етакчилик қилганини кўрсатиб турибди. Аммо ҳали биз Абу Наср Форобий (873–950), Абу Райхон Беруний (973–1048), Абу Али ибн Сино (980–1037) каби ўрта асрлар илмининг чўққилари бўлган қомусий даҳолар ҳиссаси ҳақида гапирганимиз йўқ.

Форобий нафақат ислом Шарқининг, балки Ғарбнинг ҳам Арастудан кейинги «иккинчи муаллими» ҳисобланади. «Арасту бизга оламни тушунтириб берди, Арастуни эса бизга Форобий тушунтириди», деган қанотли ибора кенг тарқалган эди. Лекин Форобийни фақат Арастунинг шарҳловчиси, тафсирчиси, деб бирёқлама, тор баҳоламаслик керак. У том маънода оригинал ижодкор, мутафаккир эди. У фалсафа ва умуман жамиятшunosлик илмини янги ғоялар, хуносалар

билин бойитди. Форобий фалсафа, ахлоқ, жамиятшунослик, давлат бошқаруви, фозил шаҳар ва унинг кишилари, раҳбари фазилатлари, тарбияси фанига, риёзиёт ва табиатшунослик илмлари билан бир қаторда мусиқа назариясига, мусиқани ёзиб олиш илмига, мусиқий асбобларни такомиллаштиришга бекиёс улуш қўшган.

Беруний ва Ибн Синонинг ўша даврдаги илм-фанинг барча соҳаларига қўшган ҳиссаларини баҳолашнинг ўзи қийин. Ҳозирги замон фани қўллаётган усуслардан бири – қиёсий тажриба усулини биз уларнинг тадқиқотларида (айниқса, Берунийнинг «Минералогия»сида ва табиатшуносликка оид бошқа асарларида) учратамиз. Ж.Неру шундай фикрни айтиб кетган: «Қадимгиларда на Мисрда, на Хитойда, на Ҳиндистонда биз илмий ёндашувни учратамиз. Унга фақат Қадимги Юнонистонда оз-моз дуч келамиз. Римда у тагин йўқолган эди. Лекин араблар илмий-тадқиқот руҳига эга эдилар. Шу сабабдан уларни ҳозирги замон фанининг отаси дейиш мумкин»¹. Неру, албатта, араблар деганда араб тилида ижод этган ҳамма мусулмон олимларини назарда тутмокда.

Беруний ва Ибн Сино барча даврлар ва барча халқлар орасида қомусий даҳо деб тан олинган ва алоҳида қайд этиладиган олимлар қаторига киради. Европа университетлари беш аср давомида Ибн Сино асарлари бўйича тиббиёт мутахассисларини тайёрлади. Европада тиббиёт бўйича ёзилган биринчи мустақил дарсликда Ибн Синодан 5 мингта иқтибос келтирилган. Бундан ташқари, у Шарқ ва Гарбнинг энг буюк файласуфларидан бири ҳисобланади.

¹ Ж. Неру. Взгляд на всемирную историю. – М.: 1989 г. 1-жилд, 215-бет.

1973 йидда Берунийнинг 1000 йиллиги нишонланганда айрим ғарб олимлари уни инсоният тарихида ўтган энг буюк олим деб баҳолаган эдилар. Беруний, *ер курраси айланасини ўз даври учун ҳайрон қоларли даражада замонавий ўлчовларга яқин аниқлаган.* У Хоразмий математикаси, айниқса, тригонометрияни, Фаргоний географиясини, астрономияни, шугулланган бошқа барча фанларни янги сифат босқичига кўтарган аллома. Назарий жиҳатдан у нафақат, *Американи, шунингдек, Австралия ва Антарктида қитъалари мавжуд бўлишини мантиқий асослаган.* Ер шар шаклида бўлгани сабабли Коинотда мувозанатини сақлаши, тўнтарилиб кетмаслиги учун унинг нариги (гарбий) яримшарида ва жанубида қуруқлик бўлиши лозим, деб ҳисоблаган. Гелиоцентрик назарияни, яъни сайёralар қуёш атрофида айланшини исботлаган. Афсуски, ушбу аниқ ёритилган асари йўқолиб кетган. Умуман Беруний асарларининг тўртдан уч қисми бизгача етиб келмаган. Факат Беруний қуёшнинг олам марказида туриши ва унинг атрофида сайёralар айланшини бошқа асарининг кириш қисмida айтиб, бу масалани фалон асаримда исботлаганман, ҳозир тўхталиб ўтирмайман деб ёзиб кетган. Берунийни кўплаб экспериментал ва амалий тадқиқотлар асосчиси дейиш мумкин. У илк бор қиёсий диншунослик, қиёсий этнология ва культурология фанларини, уларнинг илмий усулларини яратди деб, ҳеч иккиланмасдан фаҳрланиб айтсак бўлади. Қомусий ҳисобланган, ҳозиргача бир тадқиқотчи амалга ошириши мушкул ҳисобланган «Ҳиндистон» асари юқоридаги фикрни тўла-тўқис исботлайди. Америкалик фан тарихчиси Ж.Сартон XI асрни бежиз «Беруний асри» деб атамаган. Беруний қайси фанга қўл урмасин, шу соҳада ўз замонасининг барча илмий ютуқларини

умумлаштириб, уларга ўзига хос якун ясаган ва мазкур фанни янги поғонага кўтариб, янги ғоялар ва тадқиқот усуслари билан бойитиб кетган. У ер курраси айланаси ва диаметрини ҳисоблаган. Ажабланарли жиҳати шундаки, Беруний ҳисоб-китоби ҳақидаги замонавий сунъий йўлдошлар ва энг сўнгги ўлчов жиҳозлари кўрсаткичларидан бор-йўғи 16 км атрофида фарқ қиласи. У Коперникдан беш аср аввал оламнинг гелиоцентристик қурилишини кашф этади.

Беруний ислом оламида Арестотель таълимотини шубҳа остига олиб танқид қилган биринчи олимдир. Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд ва бошқа даҳолар аристотелчи бўлган. Умуман, Берунийда илмий танқидий рух шунчалик кучли бўлганки, ҳатто XIX асрда ҳам уни ўргангандар европалик олимларни ҳайратга солган. Берунийнинг таржимони Э.Захау унинг илмий танқидий усули ўрта асрлар XVII–XVIII аср илмий тафаккурига ҳам хос эмас, фақат XIX асрдагина биз бундай усулага етиб келдик дея, Беруний даҳосининг энг асосий хусусиятларидан бирини очиб берганди. Юкорида зикр этилган проф. Фредерик Стэрр Беруний Америка китъаси кашфиётчиларидан бири сифатида тилга олиниши лозимлигини, у замонаси табиатшунослигига беҳад катта ҳисса қўшганини, гуманитар соҳада эса қиёсий диншунослик фанига асос солганини қайд этади.

Берунийнинг табиатшуносликка оид асарлари ўз замонасидан шунчалик илгарилаб кетган эдики, ўша пайтлардаги тасаввурларга уларнинг аксарияти мутлақо мос келмаган (гелиоцентристик таълимотга ўхшаб). Шу боис уларни замондошлари ва кейинги авлодлар яхши тушунишмаган, баъзиларини, ҳатто динга зид деб ўйлашган. Натижада, Берунийнинг 120дан ортиқ асари йўқолиб кетган. Биз ҳозир унинг фақат 30 фоиз асарларидан баҳраманд бўлмоқдамиз.

Форобий, Беруний, Ибн Синодан ташқари табиатшунослик илмида ар-Розий, Ибн Ироқ, Чагминий, Исмоил Журжоний каби, ижтимоий гуманитар илмлар борасида Маҳмуд Умар аз-Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий, Наршахий, Байҳакий, Насавий, Азизиддин Насафий каби буюк олимлар ижод қилишган. Фан тарихида уларнинг номлари абадий муҳрланиб қолган.

Маҳмуд Замахшарий турли тилларнинг қиёсий лугатшуносликка асос солибгина қолмай (Кошғарий туркӣ тиллар шевалари қиёсий лугатларини яратган, Замахшарий унинг усулини давом эттириб бир оилага мансуб бўлмаган тиллар қиёсий лугатини яратди), араб тилини илмий ўрганишга, араб тили грамматикаси (морфологияси) ва синтаксисига ҳам асос солди. У адолатли равишда бутун ислом оламининг даҳо алломаларидан ҳисобланади. Азизиддин Насафий илмнинг турли соҳаларига оид кўплаб асарлар ёзган олим. Фан тарихида у комил инсон тўғрисидаги таълимотга асос соглан ислом файласуфларидан бири сифатида танилган. У «Зубдатул ҳақойик» («Ҳақиқатлар қаймоги») асарида, айтиш мумкинки, ўз даври ғарб ва ислом фалсафасининг инсон ва олам муштараклиги тўғрисидаги асосий ғояларни умумлаштириб, янада бойитди. Қадимги юонон фалсафасидаги макрокосм (улуг олам) ва микрокосм (кичик олам) ғояларини исломий асосда (олами кубро ва олами суғро) ривожлантирди. А.Насафий ёзади: «Эй дарвеш, улуг оламнинг аввалу охири, зоҳиру ботини, моҳият ва шаклларини идрок этиш учун ўзингнинг моҳиятинг, зоҳир ва ботинингни англаб етгин»¹. Ушбу ғоя қадим юононлардан келмоқда. Қадимги юонон шаҳри Дельфа ибодатхонаси эшиги тепасига ёзиб қўйилган, файласуф Суқротнинг ҳаётий шиорига айланган «Ўзлигингни англаб ет» ҳикмати шундай маз-

¹ Комил инсон ҳақида тўрт рисола. – Т.: «Маънавият», 1997, 113-б.

мунда ишлатилмоқда: улуғ оламни билиш учун, аввал ўзингни билиб ол, зеро, сен унинг бир бўлагисан. Қатрада денгиз акс этганидек, сенда бутун олам акс этади. Азизиддин Насафий бу фояни ривожлантириб, давом этади: «Улуғ оламнинг боши битта жавҳардан иборатдир, худди шу каби кичик оламнинг бошида ҳам битта жавҳар (ётади). Улуғ оламнинг ул жавоҳири улуғ олам уруғи бўлганидай, кичик оламнинг ул жавҳари кичик оламнинг уруғидир. Қатъий уқиб ол: бу икки оламда нимаики пайдо бўлса, у ўшал уруғларда мавжуддир»¹. Оламнинг келиб чиқиши тўғрисидаги энг сўнгги илмий фаразларда (хозирча энг сўнгти) коинотнинг, яъни улуғ оламнинг генетик коди мавжудлиги ҳақида гоя илгари сурilmоқда (жонли организмлардаги каби). Ушбу фоя ҳақиқатга қанчалик мос – бирор нарса дейиш қийин. Лекин Азизиддин Насафий даҳоси олам моҳиятига кўра ягона асосга эга эканлигини, унинг барча ўзгариш ва ривожланиш имкониятлари ўзига хос «ирсий» қонуниятларга мувофиқ кечишини мантиқан кашф этган.

Дунёвий илм-фаннынг ривожланиши тафаккур ва дунёқараш, маънавият ўсишига, ишлаб чиқариш воситалари такомиллашишига, турли техник кашфиётларга бевосита таъсир кўрсатади. Дунёвий илм-фан ижтимоий тараққиётнинг, тамаддун ривожланишининг асосий омилларидан биридир. Айнан дунёвий илм-фан яхши ривожланганда, ижоднинг барча турлари, шу жумладан, диний илмлар ривожланган, унинг ривожи сусайса, эртами-кечми бошқа соҳаларда ҳам ижод сусайган. Чунки маънавият учун ички муштарақлик, бус-бутунлик хос. Маънавиятнинг айрим қисмлари, унсурлари яхши ривожланиб, бошқалари жуда ортда қолиб кети-

¹ Комил инсон ҳақида тўрт рисола. – Т.: «Маънавият», 1997, 113–114-бетлар.

ши мумкин эмас. Албатта, улар ўртасида нисбатан фарқ бўлади, аммо жуда кескин эмас. Дунёвий илм-фан эса маънавиятнинг, рационалистик дунёқарашнинг негизини ва ҳаракатлантирувчи кучини ташкил қиласди.

Аждодларимизнинг ислом дунёсида шаръий ва дунёвий илмлар қаторида адабиёт, нафис санъат, халқ амалий санъати ривожланишига қўшган ҳиссалари жуда улкандир. Масалан, Абу Мансур ас-Саолибий (961–1038) XI асрнинг 30-йилларигача Хурросон ва Мовароуннахрда яшаб, араб тилида ижод этган 124 та шоирни санаб ўтади. Ас-Саолибийдан кейин ҳам юртимизда араб тилида ижод қилган кўплаб адиллар яшаган. Улар орасида адабиёт тарихида сезиларли из қолдирган Рашидуддин Ватвот (1082–1183)ни эслашнинг ўзи кифоя, деб ўйлаймиз. Уларнинг кўпчилиги зуллисонайн, яъни икки тилда, айримлари уч тилда ижод қилувчи шоирлар эди. Юқорида айтилганидек, араб тили грамматикаси, синтаксиси ва лугат тузиш илми ни ривожлантиришда аждодларимиз салмокли хизмат қилдилар. Фалсафа, мантиқ, жамиятшунослик, давлат бошқаруви, тарих, мусиқа назарияси, шеърият ва аруз илми каби фанлар ривожида ҳам аждодларимиз чукур из қолдирдилар. Биргина Абу Наср Фаробийни эслашнинг ўзи кифоядир.

Биринчи Ренессансни форсий ва туркий тиллардаги буюк адабиётсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Турк ва форс-тожик адабиётининг мумтоз ислом давридаги етакчи маркази, асосий ватани Мовароуннахр ва Хурросондир. Фирдавсий, Рудакий, Юсуф хос Ҳожиб, Махмуд Кошғарий, Аҳмад Юғнакий, Умар Ҳайём ва бошқа кўплаб адиллар ижоди ислом маданиятини янги чўққига кўтарди. Араб ва ислом мамлакатлари маданияти, адабиёти ва санъатига, бадиий диди ва эстетик меъёрларига, оламни эстетик идрок этишига, санъат услубларига

Марказий Осиё адабиёти ва санъати, санъатшуносликка (хусусан, адабиётшунослик ва мусиқашуносликка) оид назарий тадқиқотлари ниҳоятда катта таъсир кўрсатди. Марказий Осиёга хос услуг намуналарини, масалан, меъморчиликда Ҳиндистондан то Шимоли-Гарбий Африкагача учратиш мумкин. Мўғул истилосигача халқимиз маънавияти учун мутаассиблиқ, маҳдудлик ёт эди. Маънавиятимиз барча илгор гояларга, янгиликларга ташна, ижодкорликка, бунёдкорликка интилувчан эди. Эътиқод масалаларида дин ва табиатшунослик, дунёвий илм-фан ўзаро қарама-қарши қўйилмас, ижод ва фикр эркинлиги, очиқласига ислом ақидаларига зид келмаса, чегараланмас эди. Бу, айниқса, IX–XI асрларга хос. Биринчи Ренессанс умумисломий ҳодиса эди.

Аждодларимизнинг ислом илмига қўшган ҳиссаси. Ислом илми бирданига етук ҳолда шаклланиб қолмаган. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) вафотидан кейин бир оз муддат ўтгач, исломнинг асоси бўлмиш Қуръони Каримни китоб ҳолатига келтириб, унга тартиб бериш, сўнгра Қуръонга, пайғамбар кўрсатмаларига, муайян масалалар бўйича билдирган фикрлари, мулоҳазалари, амалий қарорларига (булар ҳақида ҳадислар ахборот беради) таяниб, исломий дунёқарашни ҳамда ислом ибодати, ахлоқ, хукуқ меъёрларини, шариатни ва фикҳни яратиш зарурати туғилди.

Ислом бизга етиб келиб, бир-икки авлод давомида халқ онгига маҳкам ўрнашганга қадар, Қуръонга тартиб берилган, фикҳ мактаблари (мазҳаблар), шариатнинг кўпчилик меъёрлари белгиланган ва жадал суръатларда ривожланиши, бойиши, такомиллашуви давом этмоқда эди. Бу даврда ислом олимларининг асосий эътибори пайғамбар ҳадисларини тўплаб, улар негизида ибодат, ахлоқ ва хукуқ, яъни шариат масалаларини ёритишга қаратилган эди.

Юксак маданий, илмий-интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Марказий Осиё халқлари исломни қабул қилгач, улар орасидан етишиб чиққан олимларнинг бир қисми ислом илмини ривожлантириш билан шуғуллана бошлади ва улардан энг буюклари ўз соҳаларида етакчи ўринларга чиқиб олди. Ҳадис илмида тан олинган олтита буюк муҳаддиснинг тўрттаси Марказий Осиё (Мовароуннаҳр ва Хурросон) фарзандлари дир. Улар орасида ҳам учтаси – Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810–870), Исо ат-Термизий (824–892), Абу Абдурахмон ан-Насойй (830–915) бизнинг бевосита бобокалонларимиз бўлади.

Имом ал-Бухорий тўплаган ҳадислар «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» ёки «Саҳиҳи Бухорий» деб аталади ва дунё мусулмонларининг 90 фоизи учун Қуръондан кейинги энг мўътабар ва асосий манба ҳисобланади. Ал-Бухорий, Ат-Термизий, ан-Насойй ҳадислари тўпламлари ва бошқа асарлари мана салкам ўн икки асрдан бўён неча авлоднинг дунёқарashi, ахлоқи, иймон-эътиқоди, ҳаётга муносабати – маънавияти шаклланишига, такомиллашишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиб келмоқда.

Муҳаддисликка бекиёс ҳисса қўшган аждодларимиз барча шаръий илмлар ривожланишига бевосита ва билвосита хизмат қилганлар. Чунки Қуръон ва ҳадислар барча шаръий илмларнинг манбай ва асоси ҳисобланади. Бундан ташқари, улар замонасининг долзарб диний масалаларига бағишлиланган кўплаб бошқа асарлар ҳам ёзишган. Мумтоз ислом даврида Бухоро, Самарқанд, Марв, Насаф, Урганч, Балх диний ва дунёвий илмларнинг марказига айланди. Нажмиддин Насафий «Китоб ал-қанд фи зикри улами Самарқанд» асарида бу шаҳарда «ўрта асрларда яшаган кўпдан-кўп (мингдан ортиқ) фикҳ олимлари, ҳадис ровийлари ва бошқа кўп

соҳаларда қалам тебратган илм аҳллари ҳақида мукам-
мал маълумот беради»¹.

Бухорода ҳам бу даврда Самарқанддан кам ижодкор яшамаган. Бу маданий-маънавий тараққиётимиз қай даражада сермаҳсул ва юксак бўлганини кўрсатиб турибди. Бухоро ҳаққоний равишда ҳанафия мазҳаби ва нақшбандия таълимотининг бутун ислом дунёсидаги етакчи назарий ва услубий марказига айланди. Жўғро-
фий жиҳатдан ўрта асрларда бизнинг минтақамиз ислом дунёсининг чеккароқ худуди бўлса-да, илмий, маданий ва маънавий жиҳатдан унинг энг құдратли марказлари-
дан бири эди. Бежиз бу даврда «Самарқанд ер юзининг сайқалидир, Бухоро ислом динининг кувватидир» деган нақл пайдо бўлмаган. Бу шаҳарлар бутун дунёда илм фан, маърифат, маданият, ободончилик ва фаровонлик, гўзаллик тимсолларига айланганки, шоирлар ижодида рамзий образлар сифатида кўлланилган. Шош, Термиз,
Насаф, Кеш, Урганч, Хива ва юртимиз бошқа шаҳарла-
рининг ҳам ислом таълимотига, маданияти ва маъна-
виятига қўшган ҳиссаси, етиштириб берган алломала-
ри бекиёсdir.

Шу ўринда араб муаррихи Абдулкарим ас-Само-
нийнинг ислом оламида 8 та шаҳарга «мадина» нисба-
ти берилганини, булар: Мадинаи Мунаввара, Бағдод,
Исфахон, Нишопур, Марвнинг ички қалъаси, Бухоро,
Самарқанд, Насаф эканлиги тўғрисидаги маълумотини
келтириш жоиз.² Кўриниб турибдики, ислом оламидаги
8 та мадина нисбатини олган шаҳарларнинг тўрттаси
Ўрта Осиёда ва шундан учтаси ҳозирги Ўзбекистон
худудида жойлашган. Мадина нисбати ислом тараққи-
ётига фавқулодда катта ҳисса қўшган шаҳарларгагина

¹ Уватов Убайдулла. Донолардан сабоқлар. – Т.: 1994, 65-бет.

² Қаранг: Абдулкарим ас-Самъоний. Насабнома. «Бухоро» наш-
риёти, 2003, 250-б.

берилигандан Самарқанд ва Бухоронинг жаҳон ва ислом та-маддуналари ривожига қўшган бекиёс улкан ҳиссалари тўғрисида кўп ёзилган. Биз, кези келиб қолди, мадина нисбати берилигандан учинчи шахримиз Насаф олимлари тўғрисида икки оғиз кўшимча қилмоқчимиз. Абул Аббос ан-Насафий Мустағфарий (милодий 962–1041 йиллар) Насафдан чиққан олимлар тўғрисида 8 тоқадан кўпроқ китоб жамлаган¹ (афсуски, бизгача етиб келмаган). Насафда илм аҳли учун маҳсус қурилган уй бўлган ва у ал-Қаллос деб аталган². Бошқа манбаларда X аср Насафда, бугунги таъбир билан айтганда, илмий амалий конференция – мажлиси тадрис ўтказилгани ҳақида маълумот учрайди.

Илгари масжидларда ҳадислар, бошқа манбалар тингловчиларга айтиб ёздирилган. Тадрис – матнни талқин қилиш, шарҳлаш усули. У мадрасада ўқитиш фаолияти билан боғлиқ. Бугунги тил билан айтганда, ўрта маҳсус ва олий таълим методикасидир. Адам Мең ёзишича: «Ўқитишнинг ўзгартирилган услуби ўз навбатида ўкув муассасаларининг янги типини яратди ва тадрис (талқин) устунлиги туфайли бу даврда мадрасалар вужудга келади. Улар вужудга келишининг асосий сабаби бўлиб, эҳтимол, тадрис билан яқиндан боғланган ва ўша пайтдан кенг тарқалган мунозара хизмат қилди, масжид бунинг учун (мунозара учун) мос келадиган жой эмас эди»³. Биринчи мадраса Нишопурда таҳминан X аср иккинчи ярмида пайдо бўлганини ҳисобга олсак⁴, Насафда мажлиси тадрис ўтказилиши

¹ **Абдулкарим ас-Самъоний.** Насабнома. «Бухоро» нашриёти, 2003, 254-б.

² Ўша манба, 244-б.

³ **Адам Мең.** Мусульманский Ренессанс. – М.: «Наука», 1973, 154-б.

⁴ **Адам Мең.** Ўша асар. 155-б.

унда X асрда жаҳонда биринчилар қаторида мадрасалар фаолият бошлаганини билдиради. Айнан ўша даврда X аср охирида Самарқандда 17 та мадраса фаолият юритган (бизнинг айрим олимларимиз биринчи мадраса Бухорода пайдо бўлган деб хисоблайдилар. Гап 5–10 йил илгари биринчи мадраса қайси шаҳарда фаолият бошлаганида эмас. Муҳими бу даврга келиб мадрасаларга нисбатан тарихий зарурат пишиб етилганида. Шу сабаб бутун ислом оламида тезда мадрасалар тармоғи вужудга келди).

Айрим хисоб-китобларга кўра, Марказий Осиёда яшаб ўтган 3000 муҳаддисдан 400 таси Насафда яшаган. (Мингтаси Самарқандда, 600 таси Бухорода, қолган шаҳарларда 40 тадан 70 тагача) Тўртта ҳадис мактабларининг бири Насафда бўлган. Куръони Карим ва муборак ҳадисларни ўрганиш асосида шариат, фикҳ ва бошқа шаръий илмлар шаклланган. Насафдан ислом илоҳиётининг буюк назариётчилари Абул Муъин Насафий, Абул Барокат Насафий, Нажмиддин Насафий, Азизиддин Насафий ва бошқалар етишиб чиққан. Уларнинг асарлари бугунги кунгача хорижда ғарб ва шарқ тилларида чоп этилиб, мутахассислар томонидан ўрганилмоқда. Юртимизда мустақиллик йилларида улар асарлари ўзбек тилига ағдарила бошлиди.

Ислом илоҳиёт илми (ислом диний-фалсафий илми) калом – яккахудолик, тавҳид, олам, борлиқ, инсон, уларнинг яратилиши, моҳияти, мавжудлиги, эътиқод мазмуни, оламнинг, инсоннинг ўзгариши, тақдир, Аллоҳ сифатлари ва ҳ.к. масалаларни қамраб олади. Шу боис «ат-тафсир ал-Қуръон» илми дастлаб каломнинг таркибий қисми хисобланган. Калом илми диний-назарий масалаларни ақлга, мантиққа асосланиб таҳлил қиласи. Рационалистик, мантиқий таҳлил ва умумлаштириш

негизида кўрилаётган масалани далиллаш, мулоҳаза юритиб хуносалар қилиш каломнинг мазмунини ташкил этади. Уни ислом рационалистик тафаккурининг, дунёқарашининг назарий ўзаги дейиш ўринлидир. Дин масалаларида ақлий билишга, мантиққа қаттиқ суюниш ва мистикадан йироқлиги билан у тасаввудан кескин фарқ қиласди. Қуръонни мантиққа ва ақлга суюниб тафсир этади. Ҳадисларни ҳам худди шундай тушунтиради. Калом баъзи ҳолатларда мажозий талқинга мурожаат этади.

Калом илмини ривожлантиришга аждодларимиз муносиб ҳисса қўшдилар. Муҳаддислик ва фикҳ соҳалари каби калом илми борасида атоқли ва даҳо олимларни – мутакаллимларни етиштирди. Уларнинг ҳам масини санаб ўтирмаймиз.Faқат икки номни: Абу Мансур ал-Мотуридий ва Абул Муъин Насафий номларини эслаш кифоядир.

Калом илмининг мўътазилия оқими ўз имкониятларини сарфлаб бўлгач, замон талабларидан ортда қолиб, янгидан пайдо бўлаётган диний-назарий ва амалий масалаларга қониқарли жавоб топа олмай қолди. Натижада, исломда ғоявий ва назарий парокандалик кучайди. Кўплаб турли майда оқимлар, фирмалар пайдо бўлди. Чунки мўътазилия кескин рационализмга асосланар, унга айрим чигал ва зиддиятли диний масалаларни ечишда қайишқоқлик етишмас эди. У ҳар қандай диний масалани фақат рационализм, мантиқийлик асосида ечишга ҳаракат қиласди. Нақлга таянишни хушламас эди. Динда эса жуда кўп масалалар борки, уларни ақлан тушунтириш қийин, баъзан умуман мумкин эмас. Faқат ишониш ва эътиқод қилиш лозим. Диннинг ўзи эса ақлдан кўра кўпроқ кўнгил иши. Диний туйғу ва кечинмалар, ихлос ва фидойилик рационаллик доирасига сиғмайди, баъзан уни очиқдан-очиқ инкор қиласди.

Куръонни мўътазилийлар яратилган китоб дейди. Бундан мантиқан Куръон абадийми, деган савол туғи-лади. Мўътазилийлар Куръоннинг азалдан мавжуд бў-лиши тавҳидга, яъни яккахудоликка зид деб ҳисоблай-дилар. Агар Куръон яратилмаган, азалдан бор бўлса, унда Куръоннинг Аллоҳ билан мувозий (параллел) воқелигини тан олиш лозимлиги келиб чиқади. Бу эса яккахудолик тамойилига зиддир ва мазкур масалани боши берк кўчага киритиб қўяди. Мўътазилия IX асрда бир муддат халифаликнинг расмий таълимотига ай-ланган эди (халифалар Маъмун ва Мұтасим даврида). Ўшанда улар Куръон яратилмаган, у Аллоҳнинг каломи деб ҳисоблайдиган муллаларни, ҳатто жазолаш ва қувғин қилишга киришиб кетди. Куръонга муносабат ва эътиқод масаласида зиддиятлар кучайиб, халифа-ликнинг мафкуравий бирлигига путур етди. Шу боис мўътазилия, ислом фалсафасига, калом илмига асос солган бўлишига ва кейинчалик яна «оқланганига» қа-рамасдан, охир-оқибатда қувғинга учради ва аста-се-кин тарих саҳнасидан тушиб қолди.

Назарий масалалардаги парокандаликка барҳам бе-риш учун калом илмини ижодий ривожлантириш, за-монавийлаштириш, тўпланиб қолган долзарб масала-ларни назарий жиҳатдан ҳал қилиш лозим эди. Шунда калом илмида деярли бир вақтда бир-биридан мустақил икки таълимот пайдо бўлди: булар ашъария ва мотури-дия таълимотлариdir. Кейинги таълимотнинг ватани бизнинг юртимиздир.

Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий (870–944) асарларининг бизгача етиб келганлари ҳозиргacha чет элларда нашр қилинмоқда, чунки улар ислом илоҳиё-тининг мумтоз асарларига айланиб, ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Мотуридий таълимоти Куръон ва Сун-на ақидаларини, талаб ва меъёрларини қўр-қўронга

эмас, балки ақлан чуқур идрок этиб ўзлаштиришни, уларни ғайримантиқий, нооқилона қабул қилмасликни ўргатади. Уларни ғаразли, ноилмий, ўзбошимчалик билан талқин қилишни инкор этади. Лекин у айни пайтда нақлни, аждодларидан келаётган ривоятлар анъанаси ни инкор қилмайди. Ушбу жиҳати билан у мўътазилиядан моҳиятан фарқ қиласди.

Мотуридийнинг инсонда эркин танлаш имкони борлиги, у нима иш қилмасин, ўз ихтиёри билан қилажаги, бинобарин, у хар бир яхши ва ёмон иши, ҳаракати, нияти учун масъуллиги тўғрисидаги фикри жуда қимматлидир. Бу фикр ҳар қандай бирёқламаликка, бировлар иродасига, сўзига кўр-кўрона итоат этиб, ножӯя ишларга кўл уришига, инсоннинг мутаассибга айланишига кескин қарши чиқади. «Тақдири азал» тушунчасини Мотуридий тўлиқ инкор этмаса-да, уни инсонпарварлик нуқтаи назаридан анча юмшатади, «ихтиёрий ҳаракат» – «афъоли ихтиёрий» орқали юзага чиқишини таъкидлайди ва инсоннинг масъулияти ва имконияти тарзида талқин қиласди. Мотуридийнинг мазкур масаладаги фикрини, хулосасини, бизнингча, шундай тушуниш лозим: инсонда тақдир масъуллик ва имконият сифатида яширин, у ўз тақдирини ўзгартира олмайди, аммо инсон унинг муайян даражада ва қандай юзага чиқишига (тўлиқ ёки қисман) ўз хатти-ҳаракати, хулқ-атвори билан таъсир кўрсатади. Шу боис инсонда эркинлик ва масъуллик бирдай ўсиб, уйғуналашиб бориши лозим. Мотуридий мўътазилийларнинг кескин рационализми ни анча юмшатди, калом илмига шароитга мослашувчанлик ва қайишқоқлик бағишилади. Чигал масалаларни ечишда ақл ва нақлга суюниш, уларнинг ҳар иккисини зарур даражада кўллаш тамойилини олга сурди.

Мотуридий шогирдлари орасида Абул Ҳасан ар-Рус-тўғфаний, Исҳоқ ибн Мухаммад ас-Самарқандий,

Абул Карим ал-Паздавий, Абу Аҳмад ал-Ийдий каби атоқли алломалар бор. Уларнинг ҳар бири ислом илмида сезиларли из қолдирган. Вақт синови ҳар бир нарсанинг, ҳар қандай таълимотнинг асл баҳосини кўрсатади. Буюклик узоқдан теранроқ англанади. Мотуридий таълимоти билан айнан шундай бўлди. XI асрда унинг издошлари, билвосита шогирдлари янада кўпайди, мотуридия янада бойиди ва ривожланди.

Мотуридий таълимотининг атоқли давомчиси, тарғиботчиси Абул Муъин Насафийдир (1027–1114). Абул Муъин Насафий нафақат мотуридия таълимотини бутун ислом оламига ёйди ва ижодий ривожлантирди. У калом илмининг уч асосий йўналиши – мўътазилия, мотуридия ва ашъария таълимотларини қиёслади ва фарқларини кўрсатиб берди. У исломнинг бошқа соҳаларига оид илмларни ҳам чукур эгаллаган ва ривожлантирган аллома. Унинг «Табсират ад-дилла» асари Сурияда 1990 ва 1993 йилларда икки жилдда (ҳар бири 500 саҳифадан ортиқ) нашр этилган. Ҳозир бу асар 4 жилдда ўзбекчада ҳам чоп этилди. (2018) Абул Муъин Насафий исломда кўпайиб бораётган турли хато оқимлар, мутаассиб фирмалар танқидига катта эътибор қаратди, мумтоз ислом ғоялари ва қарашларини ҳимоя қилди. Абул Муъин Насафий Куръоннинг яратилмаганини «Табсират аддилла» ва «Тамҳид ли қавоиди-т-тавҳид» асарларида шундай асослайди: Аллоҳ – мутлақ мукаммал зот. У ҳеч нарсага муҳтож эмас. Үнга бирор нарса қўшиб, ёки камайтириб бўлмайди. Агар Куръон яратилган бўлса, унда у Аллоҳда азалдан бўлмаган, кейинчалик уни тўлдирган бўлиб чиқади. Бу мумкин эмас. Демак, Куръон моҳияти-мазмуни Аллоҳда азалдан бўлган. Насафий Мотуридия ва ашъария таълимотларидаги фарқларнинг сабабларини кўрсатиб, улар принципиал қарама-қаршиликлар эмаслигини,

бу фарқларни мутлақлаштирмасдан, улардаги умумий жиҳатларни ҳисобга олиб, ислом илмини ривожлантириш ғоясини олға суради. Насафий асарларининг бугунги кунда ҳам илмий ва амалий долзарблиги йўқолгани йўқ. Нафакат Ислом илоҳияти тарихини ўрганишда, шунингдек, замонавий турли диний экстремистик ғояларга қарши курашда ҳам фойдалидир.

Мотуридийнинг яна бир буюк издоши Нажмиддин Насафийдир (1068–1142). У фикҳ, ҳадис, тафсир, калом, адабиёт, тил, тарих илмлари бўйича юзга яқин асарлар битган. «Ақидатун Насафия» (Ал-ақоид ан Насафия) номини олган асарида мотуридия таълимоти ривожлашишига муносиб ҳисса қўшган. «Ақидатун Насафия» исломий асарлар ичida энг кўп шарҳ ёзилган рисолалар сирасига киради. Ўзининг ўтмишдошлари асарларини, манбаларни мукаммал билган. Бурхониддин Марғиноннийнинг далолат беришича, Нажмиддин Насафий ҳадисларни келтиришда 500 муаллиф тўпламига таянган. Умуман ислом илмининг барча йўналишлари бўйича қомусий билимларга эга бўлган. Самарқанд мадрасаларида ислом илоҳиёти, тафсир, ҳадис, фикҳ ва бошқа шаръий фанлар қаторида тарих, араб тили ва адабиёти, мантиқ, шеърият илми ва бошқа дунёвий фанлар, ҳаттоқи табиатшунослик ва тиб илмидан ҳам дарс берган. Ўзи ҳам шеърлар ёзган. Унинг ижоди ҳали яхши ўрганилмаган. Атоқли шарқшунос Булгаков умрининг охирида Нажмиддин Насафийнинг турли фанларга оид Ўзбекистонда сақланиб қолган қўллэзмалари тўғрисида каттагина мақола қолдирган эди. Унинг мақоласидан Нажмиддин Насафий дунёвий ва диний фанлар бўйича қомусий аллома бўлгани ойдинлашади. Шогирдлари орасида Бурхониддин Марғинонӣ, Умар ал-Ўқайлий ва бошқа атоқли шахсларнинг борлиги Нажмиддин Насафийнинг ислом илмида, маънавиятида қандай ўрин

эгаллаганини кўрсатади. Унинг асарлари шу боис қатор ислом мамлакатларида бизнинг давримизда ҳам чоп этилмоқда. «Ақидатун Насафия» эса она тилимизга таржима қилинди.

Фикҳ (ислом хукуки) илмини ривожлантиришда катта хизмат қилган Абул Юср Паздавий (1030–1100), Абу Бакр Муҳаммад аш-Шоший (1038–1114), Бурхониддин Марғиноний (1123–1197), Абул Лайс Самарқандий, Абдул Ҳасан Хоразмий ва бошқалар номи машҳур. Айниқса, Бурхониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя-фи-л-фуруз» асари ҳанафия мазҳаби бўйича ислом хуқуқшунослигининг энг теран асарларидан бири сифатида нафақат ислом оламида, балки Фарбда ҳам машҳур.

Ислом доирасида нафақат рационалистик таълимот калом, шунингдек, иррационалистик, мистик таълимотлар ҳам ривожланди. Зоҳидлик, тарқидунёчилик гояси ва мағкурасини асослашдан, диний масалаларни шу нуқтаи назардан талқин қилишга уринишдан бошланган бу оқим кейинчалик аста-секин жуда кудратли ва жозибадор, серкирра тасаввуф таълимотига айланди. Тасаввуф мистика масаласида янада олға кетди. Олами ни билиш – Аллоҳни билишdir, чунки олам Аллоҳнинг турли вужуд касб этган жилоси, шўъласи. Аллоҳни эса мутлақо ақлан билиб бўлмайди. У инсон учун англаб бўлмас сир, олий ишқ, муҳаббат ва бирдан-бир ёр – мақсад. Фақат фақру фано орқали, ўзликни тўлиқ унутиб ёр васлига етишиш мумкин.

Ҳар соҳадаги каби, тасаввуфда ҳам аждодларимизнинг даҳо заковати намоён бўлди. Тасаввуфнинг минтақамизда тарқалишида бевосита машҳур мутасаввуф Юсуф Ҳамадонийнинг хизматлари каттадир. Унинг шогирдларидан иккитаси – Аҳмад Яссавий ва Абдухолик Ғиждувоний икки тариқатга – яссавия ва ҳожаго-

ний тариқатларига асос солдилар. Тасаввуфнинг бошқа бир назариётчиси ва сухравардия тариқати асосчиси Сухравардий таълимоти негизида Хоразмда Нажмидин Кубро (1145–1221) номи билан боғлиқ тариқат – кубровия вужудга келди. Ҳожагоний тариқати Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389) томонидан анча тўлдирилди, такомиллаштириди ва тугал таълимот шаклига келтирилди. Шу сабабдан у нақшбандия деб атала бошлади. Яссавия исломий турк мамлакатлари аҳолисининг қўп қатламларида Румдан то Хитойгача кенг тарқалган бўлса, кубровия ва нақшбандия нафақат туркий халқлар ўртасида, балки бутун ислом дунёсида анча-мунча ўз тарафдорларини топди, улар маънавиятига, дунёқарашига, иймон-эътиқодига, турмуш тарзига таъсир кўрсатди, энг фаол ва машҳур тариқатларга айланди. Темурийлар даври ўзбек маданияти, маънавий ҳаёти, жумладан, Алишер Навоий ижоди қўпроқ нақшбандия таълимотининг таъсирида ривожланди. Алишер Навоийнинг буюк устози Абдураҳмон Жомий нақшбандия барча тасаввуфий таълимотларнинг, Баҳоуддин Нақшбанд эса барча авлиёларнинг мукаммал хулосасидир, деганида, бу таълимотнинг ўша давр маънавий ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлаган эди.

Тасаввуф – ўз даври учун ислом маънавияти, эътиқодининг ўзига хос чўққиси, аммо дунёвий илм-фан, ҳаттоқи рационалистик калом илми ривожини рағбатлантирумади. Тасаввуф инсоннинг комилликка эришиши, Ҳаққа, Аллоҳ васлига етишиши йўлида нафсониятдан воз кечиб, руҳоният ғолиблигини таъминлаши учун ўтадиган йўли босқичларини (шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат) ва уларга мос келадиган инсоннинг комиллик мақомларини ишлаб чиқди. Лекин тасаввуф камолотни қўпроқ инсоннинг ички дунёсига қаратди. Инсон камолотини жамият тараққиёти билан, маъна-

виятни иқтисодиёт билан етарлича боғламади. Иқтисодиёт ривожланишига, турмуш фаровонлиги юксалиб, ҳаётда завқ-шавқ ўсишини хушламади, инкор қилди. Фақат диний завқ-шавқни тан олди (улуг бобомиз Форобийнинг инсоннинг яшашдан мақсади баҳт-саодатга эришиш, саодат эса завқ-шавқ, лаззатланиш туйғусининг авлоддан-авлодга ўсиб боришидир деган ҳикматини эсланг). Чунки тасаввуф турмуш фаровонлиги юксалиши, завқ-шавқнинг ўсиши нафсониятни кучайтириб руҳониятни пасайтиради, инсонни Аллоҳдан узоқлаштиради, деб ҳисоблади.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиё халқларининг, уларнинг буюк фарзандларининг кишилик жамиятининг, умумбашарий моддий ва маънавий маданиятининг, турмуш тарзининг ислом тамаддуни ёки Ислом Ренессанси деб аталмиш улкан бир қисми шаклланиши ва ривожланишига барча йўналишларда, соҳаларда таъсири салмоқли, баъзиларида эса ҳал қи́лувчи бўлди.

III. АМИР ТЕМУР ФАОЛИЯТИ ВА ИККИНЧИ РЕНЕССАНС: МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЊНАВИЙ ЮКСАЛИШ.

ХІІІ асрнинг 20-йилларида Марказий Осиё мўғул истилосига тушиб қолди.¹ Мўғулларга қаршилик кўрсатган шаҳарлар тўлиқ бузиб ташланди, ахолиси эса битта қўймай сўйилди. Самарқанд, Хива каби пойтахт шаҳарлар, қатор катта-кичик бошқа шаҳарлар ер билан текисланди. Кўплаб аллома шахслар ўлдирилди ёки қул қилиб олиб кетилди, юртимиздан муҳожирликка кетиб қолган ижодкорлар ҳам талайгина. Муҳожирликка кетиш бутун истило давомида тўхтамади. Маса-

¹ Баъзи қарашларга кўра, Чингизхон ва у билан келган қавмлар туркий бўлган. Ҳозирги мўғулларнинг бевосита ота-бобоси эмас. Атаманинг ўзи Чингизхон томонидан кўл остидаги халқларни ифодалаш учун «мангу эл» – «абадий халқ» деб қўлланилган (шу боис рус тилида «монгол» дейилади; бизда аста-секин «мангу эл» сингармонизм ва тил тежамлилиги таъсирида «мўғул»га айланган). Ҳозирги мўғуллар улар худудига кейинчалик келиб қўшилган тунгус ва манжур қабилалари билан қолдик туркий қабилаларнинг аралашиб кетиши оқибатида шакланган, аммо Чингизхондан келаётган этнонимни саклаб қолган. Мўғулистанда (жумладан Ички Мўғулистанда ҳам) XVII асргача ҳозирги мўғул тилига яқин бирор ёдгорлик топилган эмас. Ўрхун битиклари туркий тилда ёзилган. Дарёнинг ўзи эса Улан Батордан 60 км жанубдан ўтади. Демак, у жойларда, ҳозирги Мўғулистан худудида туркий қавмлар яшаган.

Мўғул истилосига қарши ўзбек бахшиларида қаҳрамонлик эпослари (достонлари) йўқлиги ҳам Чингизхон билан келган қавмлар халқимизга тил ва келиб чиқиши жиҳатидан бегона бўлмаганини кўрсатади. Лекин бундан қатъи назар, улар диний эътиқод ва маданият борасида кескин фарқ килган, моҳиятан босқинчи бўлган. Истило тарихий факт.

лан, буюк файласуф Азизиддин Насафий, атоқли шоир Камол Хўжандий Эронга, шоирлар Муҳаммад Авфий, Бадриддин Чочий, буюк шоир Ҳусрав Дехлавийнинг ота-боболари Ҳиндистонга кетиб қолдилар. Улар ва уларнинг фарзандлари ўша ерларда ижодларини давом эттиридилар. Жалолиддин Румийнинг отаси Балхдан Румга (Туркияга) кўчиб ўтди.

Жалолиддин Мангуберди билан кетиб қолган ҳамюртларимиз Ғарбий Эрон, Ироқ, Сурия ва бошқа мамлакатларда, ҳатто ўз қишлоқ ва шаҳарларини қуриб олдилар. Таркибида Ҳурмуз (хавраз) деб аталувчи ёки шунга ўхшаш атамани ўз таркибига олган кўплаб қишлоқ ва шаҳарлар Яқин Шарқ мамлакатларида ҳозиргача учрайди. Уларнинг номи «Хоразм» сўзининг арабча талаффузда ўзгариши билан боғлиқ. Уларга мўғул истилоси даврида муҳоржириликка кетган юртдошлиримиз асос солган. Ижодий ҳаёт мўғуллардан кейин ярим аср музлаб, қотиб қолди, маданият, маърифат ва маънавият чуқур инқизорзни бошдан кечирди. Лекин ўтган ярим аср биз учун кулфат, қабоҳат даври бўлса-да, босқинчилар учун «маданийлашиш», аксарияти учун маърифатга, зиёга жалб этилиш, исломийлашиш даврига айланди.

XIII асрнинг 70-йилларидан маданий-маънавий ҳаёт яна аста-секин жонлана бошлади. Мўғул истилоси юртимизда тахминан бир ярим аср давом этди. Юқорида номлари қайд этилган ижодкорлардан ташқари, бу даврда Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Рабғўзий, Муҳаммад Розий, Умар Жузжоний, ҳандаса (геометрия) илмининг атоқли намояндаси Сайид Шамсиддин Муҳаммад ибн Ашраф ал-Ҳусайний ас-Самарқандий, машҳур фалакиётчи олим ва табиб хоразмлик Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминий ижод қилдилар.

Чингиз истилоси иқтисодиётимиз ва маданияти-мизни вайрон этиб, маънавиятимизни инқирозга учратса-да, унинг дунёқараш ва эътиқод асосларини ўзгартира олмади. Истилочилар бунга интилганлари йўқ. Улар ўзлари билан, арабларга ўхшаб, янги дин ва эътиқод, янги фалсафа ва ижодга рағбат олиб келганлари йўқ, Истило даврида маънавиятимизда, ижтимоий онгда тушкунлик кайфияти, иррационализм ва диний мистикага мойиллик кучайди. Бу кейинчалик маънавий маданиятимиз, умуман, жамиятимиз ривожланишига анча салбий таъсир кўрсатди. Аста-секин маънавий ҳаёти-мизда хурофот унсурлари устунлик қила бошлади. Жамиятнинг тараққиёт вектори – йўналиши (XVI асрдан) юқорига қараб эмас, тубанга қараб оғди.

Истило абадий давом этиши мумкин эмас эди. Орадан маълум вақт ўтгач, жароҳатлар битиб, янги авлод этишиб чиқди. Бу авлод ўзини биз бугун мӯғил деб атайдиган келгинди қавмлардан кам билмас, ота-боболаридан фарқли, урушда бевосита енгилмаган, улардан кўрқмас эди. Бу вақтга келиб истилочиларнинг кўпчилиги анча маданийлашган, исломни қабул қилган эди. Аммо ҳокимият улар қўлида бўлгани учун, мамлакатни идора этиш, мулкий муносабатлар Чингизхон белгилаб кетган қонун-қоидалар асосида олиб бориларди. Қўшин маҳаллий аҳоли даромадларининг бир қисмини тортиб олиш ҳисобига кун кўрар, унга ғазнадан маош тўланмас эди. Бундан ташқари, марказий хукуматга ҳар йили катта миқдорда солик – ўлпон (хирож) жўнатиларди. Илм-фан, адабиёт ва санъат, маданият етарлича рағбатлантирилмас эди.

Янги авлод ўсиб улғайиши, ҳарбий хизматни ўташи жараёнида уларнинг ҳарбий-ташкилий қоидалари ва жанг усулларини ўзлаштириб олди. Энди озодлик байроғини кўтариб, юрт ўғлонларини бирлаштирадиган

шахс керак эди. Бундай шахс бўлиш Шахрисабз ҳокими амир Муҳаммад Тарагай ўғли Темурбек зиммасига тушди. У оғир курашлар олиб бориб, чингизийлардан амалда мустақил ҳукмдорга айланди. Темурбек йирик марказлашган давлат тузди. Унинг теварагида ўзига хос хавфсизлик зонаси ташкил этишга уринди. Мамлакат барча соҳаларда гуллаб-яшнаши учун шароит яратди. Темур ва темурийлар даврида энди хорижга кетиш эмас, хориждан Самарқандга келиш бошланди. Минтақамиз жаҳоннинг сиёсий, илмий ва маданий марказига айланди. Иккинчи Ренессанс Амир Темурнинг давлат бошқарувини тубдан ислоҳ қилишидан бошланди.

Иккинчи Ренессансимиз умумисломий ҳодисага айланмади. У асосан Ўрта Осиё (Мовароуннахр, Хурросон ва қисман Эрон)да, Темур империясида XIV аср охири – XVI аср биринчи чорагида минтақавий ҳодиса сифатида юз берди. Иккинчи Ренессанснинг сиёсий асосчиси, шубҳасиз, Амир Темурдир. У пойтахти Самарқандга ўз даврининг машхур алломаларини, санъаткорлари, меъморлари, моҳир ҳунармандларини таклиф қилди ёки кўчириб келтирди. Уларга яшашлари, ўз маҳоратларини кўрсатиб эркин меҳнат ва ижод қилишлари учун барча шароитларни яратди. Бу билан яна ўзига хос интеллектуал ва маданий интеграция таъминланди.

XX асрнинг буюк шарқшуносларидан бири академик Н.И.Конрад бизнинг минтақамизнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрнини баҳолаб, у уч марта – биринчи марта Искандар Зулкарнайн даврида, иккинчи марта Күшон ёбғуси Канишка даврида, учинчи марта Алишер Навоий даврида – жаҳоннинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий маркази бўлганини эътироф этади. Сўнгги ҳолатни олим адолатли тарзда Темур номи билан боғлайди: «Бу сафар Искандар ва Канишка руҳи Темурда намоён бўлди. Мен адашиб гапираётга-

ним йўқ: Искандар ва Канишканинг руҳи, Чингизхонники эмас...»¹ – деб ёзади у. Чунки Искандар ва Канишкабуюк жаҳонгирларгина эмас, буюк яратувчилар, маданият ва маънавият ташувчилари ҳам эдилар. Темур ҳам тарихда шундай роль йўнади. Албатта, Н.И. Конрад мулоҳазаларини мутлақлаштирасдан нисбий тушуниш лозим. Лекин бу мулоҳазаларда чукур бир ҳақиқат яширинган – Марказий Осиё халқлари жаҳон ижтимоий-маданий жараённинг четдаги кузатувчиси бўлиб тургани йўқ. Улар бу жараённинг фаол ва етакчи ижодкорларидан бири эдилар.

Иккинчи Ренессанс даврида иқтисодиёт, маданият, маънавият яна қайта юксалиши, ижтимоий алоқаларнинг мустаҳкамланиши турли қабила-уруглар, қавмлар, элатлар ўргасидаги муштаракликни кучайтирди, уларнинг миллий жипсласишини тезлаштирди. Эски ўзбек адабий тили шакллана бошлади. У Тароз ва Ясадан то Ҳиротгача форс тили билан бир қаторда умумий алоқа ва ижод воситасига айланди. Миллий онг, тафаккур, миллий адабиёт ва санъат, илм-фан ривожида қарор топаётган кишиларнинг янги тарихий бирлиги эҳтиёжлари ўз аксини топди. Биз бежиз бу даврдаги Ўрта Осиё ўтроқ туркий халқ тилини эски ўзбек тили, Саккокий, Атоий, Гадоий, Лутфий, Навоий, Бобур ижодини мумтоз ўзбек адабиёти деб атамаймиз. Бугунги мумтоз ўзбек адабиёти, санъати, маънавий маданиятнинг оёққа туриши ва ривожланишида Иккинчи Ренесанс ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Темур давлати гарчи ҳарбий юришлар натижасида тузилган бўлса-да, унинг ички бошқарувида зўравонлик кўлланилмас, балки «Куч – адолатда» тамойили асосида иш юритилар эди. Амир Темур давлатида

¹ Н.И. Конрад. Средневосточное Возрождение и Алишер Навои // Избранные труды. Литература и искусство. –М.: «Наука». 1978, 91-б.

миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши асло зўравонлик натижаси эмас, балки буюк бунёдкорлик, халқларнинг ўзаро яқинлашуви, ҳамкорлиги натижасидир. Шу боис, биз юқорида келтириб ўтганимиздек, академик Н. И. Конрад Амир Темурни Чингизхонга эмас, балки Александр Македонскийга ва Канишкага қиёслайди, уларнинг давомчиси деб хисоблайди.

Темур давридаги алломалар ҳақида гапирганда, аввало, унинг хос, яқин кишиларидан бўлган мавлоно Абдулмаликни эслаш керак. У Бурҳониддин Марғинонийнинг авлодларидан. Абдумалик мударрислик қилган, шеърлар ёзган. Туркий, араб ва форс тилларини, турли илмларни мукаммал эгаллаган шахс бўлган. У Темурнинг араб олимлари ва фозилу уламолари билан сұхбатларида, баҳсларида таржимонлик қилган. Темур билан сұхбат қурган, бир қанча муддат унинг қароргоҳида яшаган буюк аллома Ибн Халдун ва бошқа алломалар ўз хотираларида Абдумаликка юксак баҳо берганлар.

Темур даврининг донғи чиққан олимларидан Саъдуддин ат-Тафтозоний, Сайд Шариф Мухаммад ал-Журжоний, Хожа Муҳаммад аз-Зоҳид ал-Бухорийни кўрсатиб ўтиш лозим. Хожа Муҳаммад аз-Зоҳид ал-Бухорий Қуръони Каримни юз жилдда (!) тафсир қилган. Мусиқа илмида шуҳрат топган бастакор ва устоз Абдуқодир ал-Марғий номи ҳам тарихда қолган. Ибн Арабшоҳ ёзишига қараганда, мавлоно Аҳмад ибн Шамс ул Аимма туркча, форсча, арабчада «малик ул-калом» унвонини олган. Бу учала тилнинг подшоҳи деганидир. Ушбу муносабат билан шуни алоҳида таъкидламоқчи эдикки, ўрта асрларда илмий, адабий ва маданий ҳаётнинг миллийлиги қайси тилда битилгани билан белгиланмаган.

Фарбий Европада илмий асарлар деярли XVIII аср охиригача асосан лотин тилида ёзилган. Бадий асар-

лар аксарияти эса XIV аср охиригача лотин тилида битилган. Адабиёт ва санъатнинг миллий тилларга кўчиши Европа Ренессанси даврида узил-кесил ҳал бўлди.

Бизнинг минтақамизда араб тили илм тили сифатида XV асргача ўз мавқенини саклаб турди. Лекин форс тилининг илмий мавқеи ҳам бу даврга келиб анча юксалган, ҳатто араб тили билан тенглашиб қолган эди. XVI асрдан Марказий Осиё ва Эронда сўниб бораётган табиатшунослик тўла форс тилига кўчди. Бадиий ижодда IX асрдан бошлаб форс тили етакчиликка даъво қила бошлади. Ҳақиқатан, Фирдавсий, Рудакий ижоди араб адилариникидан кам эмас эди. Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиб каби атоқли шоирлар ижоди эса биринчи Ренессанс даврида туркий тилдаги адабий юксалиш намунасидир. Лекин бу юксалиш чингизийлар даврида таназзулга юз тутган эди. XV асргача минтақамизда араб ва туркий тилда битилган асарлар, бу тilda ижод қилган адилар кам бўлмаса-да, улар орасида даҳо даражасидаги йирик ижодкорлар йўқ эди. Лекин бу туркий халқлардан адабиёт соҳасида бундай ижодкорлар XV асргача чиқмаган экан деган тушунчани англатмайди.

Хиндистоннинг буюк шоири Мирзо Фолибининг замондоши Найёр шундай деб ёзган: «Хиндистонда форс тилидаги шеърият лочин¹ уруғидан бўлган туркдан бошланиб (Амир Ҳусрав Дәҳлавий – А.Э.), ойбек уруғидан бўлган турк билан тугалланади (Мирзо Фолиб – А.Э.)».² Улар ўртасида қанчалар атоқли адилар, Мирзо Бедил каби даҳолар бор.

¹ Туркча «қўишиб» бўлса керак, чунки турклар тотемистик карашлар таъсирида ўз уругбошчиси хисобланган ҳайвонларни размий номлар билан: бўрини – жондор (жон эгаси), қашқир, қарчигайни (ложин) – күшчи (куш овловчи) деб атаганлар – А.Э.

² Қаранг: **Носир Мухаммад.** Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: 2006, 38-б.

Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий турк-лардан чиққан буюк даҳо шоирлардир. Умуман бугун биз форс-тожик мумтоз адабиёти деб атайдиган адабиётнинг атоқли намояндадари ичидаги туркий халқлар вакиллари сони жуда салмоқли. Мирзо Бедил, кейинчалик Саидо Насафий ва бошқа кўплаб классикларнинг нафақат туркийлиги, ҳатто туркийларнинг қайси уруғ, қабиласидан эканлиги маълум. Жалолиддин Румийнинг ҳам Балх туркийларидан чиққанлиги эҳтимолдан холи эмас. Чунки унинг туркийча баъзи мисралари ҳам бор. Шу сабабли бизнинг маданий меросимиз кўпроқ зуллисонайндир. Форс тилида аждодларимиз яратган дурдоналар билан биз бу тилда сўзлашувчи халқлар каби, хаққоний равишда фаҳрланамиз. Темур ва темурйлар даврида маданиятимизнинг икки-уч тил воситасида ривожланиши табиий эди.

Темур теварагида олиму фузалолар, қаторида шатранж, нард ўйинлари ва турли соҳаларнинг моҳир усталари ижод килдилар. Ўз замонасида шатранж илмининг, санъатининг сultonни ҳисобланган Алоуддин ат-Табризийни Темур ўзига жуда яқин олган. Бирор-бир фазилати ва шарофати бўлган ҳар қандай ҳунар ва касб соҳибларига Темур ғоят катта меҳр кўрсатган, уларни улуғлаган, мартабасини юксалтирган, ёнига таклиф қилган. Темур Самарқандга барча илмларнинг ва санъатларнинг соҳибларидан етакчиларини таклиф қилган ва уларга ижод қилишлари учун бутун шарт-шароитларни яратиб берган. «Натижада Самарқандда, – эътироф этади Ибн Арабшоҳ – ҳар бир ажиб фан аҳли намояндасидан ва санъатлар ғаройиб услубидан фазилатли пешонасида нишони бўлиб, ўз тенгкурларидан устун турган, ўз фанида аллома бўлган кишилар тўпланган эди».

Таъкидлаш жоизки, Самарқандга ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига ўзга юртлардан кўчириб кел-

тирилган ҳунармандлар, санъаткорлар, олимларнинг, улар оила аъзоларининг ҳақ-хукуқлари чекланмаган, улар қулга ёки ҳақ-хукуқсиз хизматкорга айлантирилмаган. Балки маҳаллий аҳоли билан бир хил шароитда бир ҳукуққа эга бўлиб яшаган ва ўз касб-кори билан шуғулланган.

Юқорида иқтиbos келтирилган Ибн Арабшоҳ 12 ёшида Самарқандга оиласи билан кўчирилган эди. Унинг Самарқандда ҳар томонлама билим олиб, етук тарихнавис, шоир ва адаб, кўп фанлар бўйича чукур билимдан бўлиб етишгани юқоридаги фикримизни тасдиқлади. У эски ўзбек, араб ва форс тилларини мукаммал билган. Туркийда шеърлар ёзган, ҳатто ўзининг айрим тарихий асарларини, Қоҳирага мамлук сultonлари хизматига борганда, туркий тилга шеърий усолда таржима қилиб, достон шаклида баҳшилардек мамлукларга кўйлаб берган.

Темур фаолиятининг бош ғояси ва амалий шиопри «Куч – адолатда» деган ҳикматки, у умуминсоний аҳамиятга эга. Бу ғоя ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам энг эъзозли умуминсоний маънавий қадриятлардан, ахлоқий ва ҳукуқий меъёрлардан бири бўлиб қолажак. Ростгўйлик, ҳақиқатгўйлик, адолатпарварлик, юрти ва фуқаролари тўғрисида қайғуриш, мамлакати тинч ва осойишта, обод ва фаровон бўлишига бутун куч – гайратини, ақл-заковатини йўналтириш каби Темурнинг хос фазилатлари унинг чинакам буюк маънавий шахс бўлишига, буюк яратувчи давлат бошлиғи сифатида тарихда ўчмас из қолдиришига хизмат қилди. Мазкур фазилатлар унинг авлодларига ибрат бўлди ва ҳозирга-ча ибрат бўлмоқда.

Темурнинг давлат ишларининг 90 фоизи кенгашу машварат, фақат 10 фоизи куч, қилич (маъмурий йўл) орқали ҳал қилдим, деб ёзади. Халқ норози бўлган, адолатни бузган ҳокимларни вазифасидан четлашти-

риб жазолаши ёки мамлакатнинг бир сарҳадидан иккинчи сарҳадига бошига бир лаган жавоҳирни қўйиб ўтаётган болакайнинг бирор дона жавоҳири йўқолмайдиган тартиб ўрнатилгани адолат ва ҳукуқ устуворлигининг амалда таъминланишидир. Фарб давлатлари ҳукмдорларига ёзган мактубларида мамлакатлар ўртасида урушлар эмас, савдо-сотиқ ривожланиши фаровонликка, ободончиликка хизмат қилиши тўғрисидаги фикрлари ва бундай алоқаларни ўрнатиш бўйича билдирган амалий таклифлари бугунги ҳалқаро сиёсий ва иқтисодий алоқалар негизида ётган тамойилнинг ўша даврда ниш урган куртагидир.

Юқорида қайд этилган тамойиллар, меъёрлар Иккинчи Ренессансимиз даврида шаклланган маънавиятнинг бевосита моҳиятли унсурлариidir. Улар турли тарихий даврларда турли кўринишлар кассб этиши, шаклан ва мазмунан бойиши табиий. Бугун биз бунинг гувоҳимиз. Лекин фахр билан эътироф қилишимиз мумкинки, замонавий умуминсоний қадриятларнинг муайян қисми ўз илдизлари билан бизнинг аждодларимиз ижодига, Иккинчи Ренессансимиз яратган қадриятларга бориб тақалади.

Темурий шаҳзодалар, афсуски, ўзаро таҳт ва мансаб талашиб, мамлакат барқарор ва бир текис ривожланишини анча қийинлаштирилар. Лекин уларнинг аксарияти кенг билимли, адабиёт ва санъатга қизиқувчан, ўзлари ижод борасида юксак иқтидорли эдилар. Шу боис илм-фан, санъат ва дин арбобларига ҳомийлик қилдилар. Ўз мулклари, вилоятлари ёки ҳокимият тепасига келиб қолсалар, бутун мамлакат миқёсида ободончилик ишлари билан шуғулланишга, маърифатни қўллаб-куватлашга интилдилар. Айниқса, Шоҳруҳ, Улуғбек ва Ҳусайн Бойқаро шахслари бу борада алоҳида ажралиб туради.

Самарқанд ва Ҳирот нафақат темурийлар давлатининг, балки бутун ислом маданияти, илм-фани ва санъатининг икки марказига айланди. Самарқандда Улуғбек атрофида ўша даврнинг буюк риёзиётчи олимлари ва астрономлари, муҳандислари, турли фанлар бўйича бошқа олимлар тўпланди. Қозизода Румий усмонли турк мамлакатидан, Фиёсиддин Жамшид Коший Эрондан Улуғбек олдига келдилар ва у билан бирга тригонометрия, геометрия ва астрономия соҳасида, астрономик асбоблар, глобус ясаш бўйича тадқиқотлар ўтказдилар. Кейинчалик маҳаллий ёшлардан даҳо олим Али Кушчи етишиб чиқди. Улардан ташқари Мұхаммад Ҳавоғий, Алоуддин ал-Бухорий сингари қанчалар истеъоддлар, атоқли олимлар Улуғбек мадрасаси ва расадхонасида фаолият кўрсатдилар, ёшларга таълим бердилар, илмий кузатишлар олиб бордилар. Самарқандда ўша даврда жаҳондаги энг замонавий, мукаммал обсерватория – расадхона курилди. 1018 та юлдузнинг координаталари аниқланиб, жадвали тузилди. У ҳаққоний равишда «Зижи жадиди Кўрагоний» ёки «Зижи Улуғбек» деб аталади. Улуғбекнинг илмий мактаби ал-Хоразмий, ал-Фарғоний ва айниқса, ал-Беруний илмий меросини чукур ўрганди, таҳлил этди, бу мероснинг ҳақиқий вориси, давомчиси бўлиб, илм-фан, маънавият тарихи саҳнасига чиқди.

Фиёсиддин Жамшид Коший ва бошқаларнинг ёзиб қолдиришича, Берунийнинг «Қонуни Масъудий» асари Улуғбек шогирдлари ва ҳамкасларининг деярли қўлидан тушмайдиган китоб, дарслик бўлган. Бу асарнинг турли боблари бўйича мунозаралар, илмий баҳслар олиб борилган, улар оғзаки ва ёзма талқин қилинган (ҳозирги илмий рефератларнинг ilk кўриниши).

Хоразмий, Фарғоний, Беруний ривожлантирган фалакиёт илми ўзининг олий юксалишига Улуғбек мактабида эришди. Телескоплар ихтиро қилингунга қадар

ривожланган жаҳон фалакиёт илмининг хуносаси ва чўққиси Улуғбек ва унинг ҳамкорлари ижодидир. Маълумки, Зиж тузиш учун осмон жисмлари энг камида 12 йил, ўртача 24 йил, тугал бўлиши учун 36 йил кузатилади. Шу боис, Улуғбекнинг давлат ишларидан бўшаган пайтлардаги асосий вақти расадхонада юлдузлар ва осмон жисмларини кузатишга кетган. Улуғбек зижини таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Уни бутун дунё тан олган. Унинг муаллифи Шарқу Фарб ўрта асрларнинг энг буюк астрономи деган баҳо берилган. ЮНЕСКО Улуғбекнинг 600 йиллигини бутун дунё миқёсида нишонлади.

Давлатшоҳ Самарқандий Улуғбекка «маоний илмида (маънолар илми – дунёвий фанлар ва мантиқ. – А.Э.) қилни қирқ ёради», деб баҳо беради. «Унинг даврида – ёзади Давлатшоҳ Самарқандий, – олиму фозиллар мартабаси ниҳоят баланд чўққига кўтарили... Фозиллару ҳакимларнинг яқдил фикрлари шулки, исломият замонида, балки Зулқарнайн замонидин шу пайтгacha Улуғбек кўрагондек олим ва подшоҳ салтанат тахтида ўлтирумаган»¹.

Жамшид Коший ва Улуғбек томонидан синус бир градусни ҳисоблаш масаласини икки оригинал усулда ечилишини замонавий олимлар мукаммал ечим деб баҳолаганлар. Биз Улуғбекни кўпроқ буюк фалакиётчи (астроном) олим сифатида биламиз. Аслида у тригонометрия ривожига ҳам бекиёс ҳисса қўшган. Умуман Улуғбек қизиқиши ва билимига кўра, ҳар жиҳатдан қомусий олим бўлган. Унинг «Тўрт улус тарихи» деган йирик асари (афсуски тугалланмай қолган) мустақиллик йиллари халқимизга етиб келди.

¹ Қаранг: Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотирасида. – Т.: «Ўқитувчи», 1996, 10-б.

Улуғбек илмий дунёқарааш тарафдори, айни пайтда комил мусулмон эди. У ислом ақидаларини, Қуръон оятлари ва ҳадисларни рационал талқин қилас, хурофотни, мутаассибликни қабул қилмас эди. Шу боис уни диний мутаассиблар унча хушламаганлар. Бу Абдуллатиф розилиги билан Самарқанд уламоларининг Улуғбек тақдирини ҳал қилиш борасида қабул қилган хукмларида яққол ўз ифодасини топади.

Улуғбек мактабининг яна бир даҳоси – Али Күшчининг илмий хизматларини алоҳида таъкидлаш керак. Али Күшчи ўрга асрларда юртимиздан дунёвий илм-фан, табиатшунослик соҳасида чиқсан охирги қомусий даҳодир. У ўз замонасидағи дунёвий илмларга оид деярли барча фанларни пухта эгаллаган. У математика ва астрономия фанлари ривожланишига буюк ҳисса қўшиш баробарида мантиқ, фалсафа, грамматика ва адабиёт назарияси, табобат, фикҳ, тарих ва бошқа соҳаларга бағишланган асарларида ҳақиқий илмий усулни, рационалистик таҳлил ва умумлаштиришни, илмий холисликни (объективликни) ҳимоя қилди. Илм-фандада, тафаккурда, дунёқараашда Улуғбек тамойилларини давом эттириди ва ҳимоя қилди.

Али Күшчи математика фанига «мусбат» ва «манфий» тушунчаларини киритди, ўнли касрлар назариясини бойитди. Аё София мадрасасида бош мударрис бўлганида 90 градусдан кичик бурчакларнинг ўтмас бўлиши мумкинлиги тўғрисида баҳслар юритди. Кеининг ҳолатни ноевклид геометриясига тааллуқли ilk тадқиқотлардан бири, деб баҳолаш мумкин.

Астрономия соҳасида эса у Улуғбекнинг ўнг қўли эди. «Зижи жадиди Кўрагоний» Али Күшчи иштирокисиз, балки тугалланмай қолган бўлур эди. Унинг шарҳларини араб тилига таржима қилиб, бутун жадвалга тартиб берган, Улуғбек қатлидан кейин сақлаб қолиб, бутун дунёга ёйган Али Күшцидир.

Улуғбек ўз атрофига олимлар билан бирга истеъдодли шоир ва бастакорларни, адиларни, меъморларни, рассом ва нақшкорларни, хаттотларни ва санъатнинг бошқа соҳаларига оид ижодкорларни тўплади. Мумтоз ўзбек адабиёти шаклланишига Навоийгача замин яратганлардан бири атоқли шоир Саккокий Улуғбек атрофидаги ижодкорлардан эди. Ҳожи Исматулло Бухорий, Камол Бадахшоний каби шоирлар, «илми ҳикматда замонасининг яктоси» Алоуддин Шоший, машойих Ҳасан Аттор каби атоқли ижодкорлар Улуғбек даврида Самарқанднинг маънавий хаётини юксалтирилар.

Буюк фақих Абул Лайс ас-Самарқандийнинг авлодларидан хожа Фазлуллоҳ Абулайсий Алишер Навоийга икки йил дарс берган улуғ устоз ўз ижодий фаолиятини Улуғбек даврида бошлаган. Улуғбек Самарқандда, Бухорода, Фиждувонда олий мадрасалар (ўша даврдаги университет), бошқа шаҳарларда ҳам кўплаб мактаблар ва мадрасалар курдирди. «Илм олмоқлик ҳар бир муслим ва муслима учун фарз» деган ҳадисни ўзи қурдирган мадрасасининг тепасига ёздириб қўйди. Улуғбекнинг бу ишларини маърифат ёрдамида жаҳолатга, авж олиб бораётган мутаассибликка қарши курашнинг ўша даврдаги намунаси дейиш мумкин. У олимлар ва талабалар билан турли мунозаралар, баҳслар ўтказиб турган. Бу баҳсларга ўзи шахсан раҳбарлик қилган. Фиёсиддин Жамшид Кошийнинг отасига ёзган хатида гувоҳлик беришича, баъзан у атайлаб мураккаб, чалкаш, хато фикрни ўртага ташлаган. Кимдир бу хато фикрни ёқласа, уни фош қилган ва тузатган.

Абдуллатифдан кейин тож-тахт талашлар оқибатида мамлакат таҳтига ўтирган Абу Сайд Мирзонинг Али Кушчига шахсий муносабати ҳурматли эди. Лекин шунга карамасдан, илмий тадқиқот, ижод учун мухит

нокулай бўлганлиги сабабли Али Қушчи оқибатда на Самарқандда, на Ҳиротда қолди.

Самарқандда аста-секин маънавий турғунлик бошланди. Бу эса халқимизни олдинда кутиб турган чукур маънавий-маданий, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, умуман, ижтимоий инқирознинг дебочаси эди. Лекин Улугбек даврида яратилган улкан илмий ва маданий салоҳият бирданига йўқолиб кетган эмас. Пойтахт Самарқанддан Бухорога қўчирилган вақтгача, шаҳар Мовароуннаҳрда етакчи маънавий марказ бўлиб қолаверди. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг Самарқандга келиб таълим олгани бежиз эмас. Алишер Навоий «Мажолисун нафоис» тазкирасида (тазкира 1491–1492 йилларда ёзилган) ўша даврда Самарқанд шаҳрида яшаб ижод қилаётган ўзига замондош 31 шоирни санаб ўтади. Улардан бештаси, келиб чиқишига кўра, шерозлик, иккитаси хоразмлик, иккитаси кирмонлик. Шоирлар орасида қаршилик, хисорлик, бадаҳшонлик, қазвиилик, кумлик, яздлик ва бошқа жойлардан келгандар учрайди. Бу Улугбек қатлидан 40–45 йил кейин ҳам Самарқандга пойтахт ва маданий-маънавий марказ сифатида ижодкорларнинг интилиши кучли бўлганини кўрсатади.

Ўзаро ички низолар, тахт талашлар бир оз сусайиб, Ҳирот тахтига Ҳусайн Бойқаро ўтиргач, халқимизнинг маънавий-маданий ҳаётида яна ўттиз йилдан кўпроқ муддатда гуркираб ўсиш кузатилди. Аммо у бир оз чегараланган, универсал мазмунга эга эмас эди. Биринчидан, бу даврда табиатшунослик фанлари илгариги мавқенини қайта тиклай олмади. Аксинча, йилдан-йил ортга кетди. Иккинчидан, бу давр ижтимоий фикри негизида илгаргидек ҳам табиий-илмий, ҳам диний қарашлар эмас, кўпроқ бир томонлама диний қарашлар, аникрофи, накшбандия таълимоти ётар эди. Шу боис

Хиротда кўпроқ гуманитар илмлар, адабиёт ва санъат ривожланди.

Навоий «Мажолисун нафоис» асарининг еттинчи мажлисида 20 нафар темурий шаҳзодаларнинг шеърларидан парчалар келтирган. 8 мажлисини эса сulton Ҳусайн Бойқаро ижодига (21шоир) бағишилаган. Навоий рўйхатида атоқли шоир Захириддин Муҳаммад Бобур номи келтирилмаган (асар ёзилганда Бобур жуда ёш бўлган ва унинг ижоди Навоийга маълум бўлмаган). Темурийлар орасида энг истеъдодлиларидан, девон тузиб, адабиётда из қолдирганлардан бири Ҳусайн Бойқародир. Ҳусайн Бойқаро ҳар жиҳатдан йирик шахс эди, кўплаб юксак ва ноёб фазилатлар соҳиби эди.

Ҳусайн Бойқаронинг Навоийга бўлган муносабати, давлат ишларида у билан маслаҳатлашгани, Навоийни иқтисодий, лавозимий, маънавий мавқеини, мартабасини жуда баландга кўтаргани унинг ижодга, маърифат ва маънавиятга бўлган муносабатидир. Шу ўринда ҳозиргача ҳаммани лол қолдирадиган бир воқеани эслаш лозим, деб ҳисоблаймиз: Навоий «Ҳамса»ни ёзиг тутгатгач, сафардан қайтган Ҳусайн Бойқарога асарни тақдим этади. Ҳусайн Бойқаро отдан тушиб, «Ҳамса»ни юз-кўзига суртиб, қабул қилиб олади ва шу заҳотиёқ Навоийни ўз отига миндириб, отнинг жиловидан етаклаб бутун Ҳиротни айлантиради. Бу инсоният тарихида Ҳусайн Бойқарогача юз бермаган ва ундан кейин ҳам мутлақо тақрорланмаган воқеадир. Испания, Франция ёки Англия киролларининг Лопе де Вега, Мольер ёки Шекспирга нисбатан бундай муомала қилишини тасаввур қилиш мумкин эмас. Инглиз қироли, Шекспир ишлайдиган театр билан саройга таклиф қилинганда, ҳатто буюк адигба гап қўшишни лозим топмаган. Чунки Европа зодагонларининг, жамиятининг маънавияти ўзгача бўлган, инсонга тенг кўз билан қарамаган. Ин-

сон истеъдоди, даҳосига қараб эмас, насл-насабига қараб баҳоланганд. Бугунги демократия ривожланган Европада инсон қадр-қиммати мезонлари энди тамомила бошқача.

Ҳусайн Бойқаронинг Навоийга жиловдор бўлишни ўзига эп кўрганлиги унинг қанчалик буюк маънавият соҳиби бўлганидан, адабиётни, санъатни, ижодни жуда юксак қадрлаганидан далолат беради. Лекин таъкидлаш зарурки, Ҳусайн Бойқаронинг ҳаракати нафақат унинг қандай подшоҳ ва инсон бўлганини кўрсатади, у жамият маънавияти юксаклигидан, подшоҳларнинг юкоридагига ўхшаш хатти-ҳаракатларини тўғри қабул қилиб, муносиб баҳолай олишидан ҳам далолат беради. Агар Хурросон ва Мовароуннаҳрда Европадагидай муносабатлар, қарашлар ҳукмронлик қилганда, олий табақа ва авом халқ Ҳусайн Бойқаро илтифотини тўғри тушуна олмаганида, у ҳеч қачон Навоийга жиловдор бўлмас эди. Давлат бошлигининг ўзи ижод билан шуғуллангани, маърифатга интилгани, ижод аҳлига ҳомийлик қилгани аъёнларга ибрат ва тақлид учун намуна бўлган. Ҳусайн Бойқаро саройида, вилоятлар ҳокими-лари саройида ижодий муҳит қайнаб турган.

Хиротда, Самарқанддан фарқли ўлароқ, табиатшунослик илми яхши ривожланмади. Шоҳруҳ даврида Шарафиддин Али Яздий тарихнавислиқда, Лутфий шеъриятда, Жомий тасаввуфда ва шеъриятда буюк мерос яратдилар. Тасаввуф, хусусан нақшбандия тариқатининг маънавий ҳаётдаги мавқеи анча юксалди, етакчи аҳамият касб этди. Ҳусайн Бойқаро замонида нақшбандия мавқеи янада мустаҳкамланди, айтиш мумкинки, у расмий мафкура даражасига кўтарилди. Жомий ва Навоий даҳо шоирлар бўлишлари қаторида фалсафий, диний масалалар, ахлоқ, адабиётшунослик, тилшунослик, жамиятни бошқаришни такомиллаштириш, инсон

шахсини тарбиялаш, маърифат ва маънавият борасида ҳам буюк алломалар эдилар. Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий, Абдураззоқ Самарқандий тарихнавислик бобида ажойиб асарлар битди.

Иккинчи Ренессансимиз ютуқларини миниатюра санъатисиз тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди. Камолиддин Беҳзод ва бошқа рассомларнинг ранг-тасвирида ишлаган китоб миниатюралари умуминсоний қадриятларга, жаҳон санъатининг дурдоналарига айланди. Беҳзод асарлари Матисс ижодига ва у орқали XX аср Европа ранг тасвирининг баъзи модернистик оқимларига кучли таъсир қўрсацди. Беҳзод асрлар ўтиб, бизнинг замонамида хаққоний равишда Шарқнинг энг буюқ даҳо рассоми деб эътироф этилмоқда. Унинг асарлари вакт синовига бардош берди ва уларнинг қиймати янада ошди.

Беҳзод мактабидан кейинчалик Бухоро ва Сармарқандда ўзлари ҳам мактаб яратган икки атоқли рассом – Махмуд Музахҳиб ва Муҳаммад Муродлар етишиб чиқди. Иккинчи Ренессанс давридаги маънавий муҳитни, маънавий тарбияни тасаввур қилиш учун Алишер Навоийнинг Саид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад ҳаётларига бағишлиланган асарларини, «Махбубул қулуб» ва «Мажолисун нафоис» ини ўқиши лозим. «Мажолисун нафоис»нинг бешинчи мажлиси ни Навоий амирлар, юксак амалдорлар ўғилларидан шеър ёзганларини санаб, улар ижодидан намуналар келтиради. Бу сарой аъёнлари, мартабали амалдорларнинг таълим-тарбияга, маънавиятга муносабатидан ва жамиятда хукм сурган маънавий муҳитдан билвосита далолатдир.

Буюк ўзбек шоири Заҳириддин Бобур ҳам темурий шаҳзодалардан. Бобур янги сулолага асос солди. Афсуски, бу сулола Кобул ва Ҳиндистонда хукмрон-

лик қилди. Бобурийлар илм-фан, адабиёт ва санъат шайдолари, ҳомийлари бўлиб, кўпчилиги ижод билан шуғулланган. Бобурийлар билан боғлиқ хорижда ри-вожланган ўзбек маданияти ва маънавияти ҳали етарли даражада ўрганилган эмас, ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди (Бобурийлар ва улар саройида хизмат қилган юртдошларимизнинг, улар авлодларининг туркий (эски ўзбек) ва форс-тожик тилида ижод қилган шои-ру адиблар, тарихчилар, файласуф ва мутасаввуфлар ижодини биз миллий маданий меросимизнинг хорижда яратилган узвий бўлаги деб қарасак мантиқда зид бўлмайди).

Нафакат хонлар ва ҳокимлар саройларида мушоиралар, санъат ва мусиқа назариясидан, илмнинг бошқа соҳаларидан баҳслар ўтказилар, шунингдек, сайил кунлари жамоат жойларида мушоиралар, санъаткорларнинг чиқишилари, асқиябозлар, дорбозлар томошалари, полвонлар, чавгончилар мусобақалари уюштирилар эди. Акобирларнинг нуфузли кишилари ташкил қила-диган базмлар ва меҳмондорчиликларда санъаткорлар, шоирлар, баҳшилар иштирок этиши урфга айланган эди. Жамиятнинг маънавий-маданий савияси, маъна-вий эстетик эҳтиёжлари баланд эди.

Аммо саройлардан, пойтахт ва йирик марказлардан четда авом халқ ўртасида хурофот кенг тарқалган, маъ-рифат анча паст, айрим доираларда мутаассиблик кучли эди. Иктисадий ўсиш, ишлаб чиқариш воситаларининг такомиллашиши жуда-жуда суст эди. Бу соҳада жами-ят анъанавийлик касб этган, сифат жиҳатдан унинг янги босқичга кўтарилиш имкониятлари жуда паса-ийб кетган, капиталнинг тўпланиши, концентрацияси, ҳунармандчиликнинг оиласиий доирадан четга чиқиб Европадагидек мануфактуралар вужудга келиши рўй бермаган эди.

Иккинчи Ренессансимиз тилшунослик, адабиёт, мусиқа, меъморчилик, миниатюра санъатида ва баъзи бир гуманитар соҳаларда, айниқса, эски ўзбек адабий тили шаклланиши ва ривожланишида биринчи Ренессансга нисбатан анча олға кетди. Лекин илм-фанда, Улуғбек мактабини, Самарқандни ҳисобга олмагандан, табиатшуносликнинг айрим соҳаларида биринчи Ренессанс даражасига кўтарила олмади. Хусусан, Бухорода, Хоразмда, Ҳиротда, Тусда, Марвда табиатшунослик аввалгидек кенг қамровли, теран, янги кашфиётларга бой бўлмади.

Маънавий хаётда эса диннинг таъсири, аникроғи, диний мутаассибликнинг таъсири йилдан-йил ошиб бораверди. Илм-фандаги назарий ютуқлар, изланишлар иқтисодий зарурат билан туташмади, техник ижодкорликка, ишлаб чиқариш воситаларини такомиллаштиришга, машина ва механизмлар яратишга қараб йўналтирилмади. Бунга ижтимоий буюртма шаклланмади.

Шу сабабдан жамият тараққиёти ортга қайтмайдиган юксалиш чизиги бўйлаб кетмади, объективлик касб этмади. У кўп жиҳатдан давлат бошлигининг, амалдорларнинг дидига, интилишига, ҳалоллиги, сахийлиги ва ташаббускорлигига, яъни субъектив омилларга қарам бўлиб қолаверди. Иккинчи Ренессанс даврида вужудга келган интеллектуал имконият иқтисодий жиҳатдан етарлича мустаҳкамланмади ва жамиятнинг кейинги муттасил равнақ топишини таъминлай олмади.

IV. ТАРИХ САБОҚЛАРИ ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ЗАРУРАТИ

Бугун янгиланаётган Ўзбекистонда ижтимоий фикр анча фаоллашиб, Учинчи Ренессанс асосларини яратиш бўйича жамиятнинг барча қатламларида мулоҳазалар, баҳслар юритилмоқда. Давлат раҳбари бу улуғвор гояни ўртага ташлаб, миллий юксалишнинг пировард олий стратегик мақсадини белгилаб берди. Президент аввалги икки Ренессанс нега бардавом бўлмагани, инқирозга учрагани сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва тарихдан зарур сабоқлар чиқариш вазифасини ҳам кўйди. Шулар ҳақида фикрларимизни ўртоқлашмоқчимиз.

Биринчидан, объектив сабаблар ҳақида гапирсак, юқоридаги фикрни қайтариб холоса қиласиз. Ҳар иккала Ренессанс даврида ҳам мулкчилик шакллари, ишлаб чиқариш воситалари ва технологиялари жамиятнинг маданий ва илмий тараққиёт даражасига мос равища ривожланмай, турғунлигича қолди: ўша қўш ва омоч, ўроқ ва чалғи, кетмон ва бел, оддий косиблик дастгоҳлари, урчуқ ва чарх, чиғир ва тегирмон. Ишлаб чиқариш оила доирасидан чиқа олмади. Натижада, ишлаб чиқариш концентрацияси юз бермади. Мураккаброқ мухандислик – техник тафаккурни, амалий ечимни талаб қиласиган ишлаб чиқариш воситалари, курилмалари устида изланиш олиб борилмади, бундай курилмалар ва уларни ишлатадиган корхоналар, мутахассислар вужудга келмади. Анъанавий меҳнат қуролларидан фойдаланадиган дәхқончилик, хунармандчилик ўз ички

имконияларини деярли тўлиқ юзага чиқариб бўлганди. Янги ишлаб чиқариш воситаларисиз янги имкониятлар вужудга келмасди. Иқтисодий турғунлик, илмий техникавий изланишларга ижтимоий буортма яратмади. Бу аста-секин янги табиатшунослик, кончилик, турли металлар қоришишлари, юксак чидамли, кескир пўлат-созлик, янги материаллар яратиш, табиий хомашёларнинг физикавий ва кимёвий хусусиятларини ўрганиш, илмий-техник кашфиётчилик, математик ва муҳандислик илмларига эҳтиёжлар пасайиб кетишга олиб келди.

Ташки объектив сабаблардан асосийси Буюк Ипак йўлининг географик кашфиётлар туфайли барҳам топишидир. Дард устига чипқон деганларидек, суннийлар ва шиалар ўртасидаги диний ва сиёсий келишмовчиликлар Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон билан Яқин Шарқ, Рум ўртасидаги минтақавий савдо йўлларини ҳам тўхтатди. Натижада Мовароуннаҳр, Хурросон, Эрон ва бошқа ислом давлатлари ўз қобигига ўралиб, маҳдудлашиб қолди. Маҳдудлашиш умумжаҳон тараққиётидан ажратиб қўйди. Ижтимоий фикрнинг ҳам торайишига, улуғвор фоялар, юксак марралар ўрнини маҳаллий, провинциал бачканда фоялар, мақсадлар эгаллашига сабаб бўлди.

Иккинчидан, қуйидаги субъектив омиллар – сиёсий бекарорлик, тож-тахт учун турли гурухлар, сулолалар ўртасидаги курашлар ҳам тараққиёт сўнишига олиб келди. Ички низолар, сарой фитналари, ички ва ташки урушлар мамлакат хазинасини ҳам, одамлар тинкасини ҳам қуритди. Олимлар, тадқиқотчилар, амалий кашфиётчи муҳандислар ҳар томонга, ижтимоий-сиёсий барқарорлик мавжуд, ҳар ҳолда хавфсиз жойларга кетишга мажбур бўлди. Учинчидан, илм-фан, илмий тадқиқотлар ишлаб чиқариш амалиёти ва талаблари билан боғланмай қолди. Бундан фақат меъморчи-

лик ва қурилиш қисман истисно. Тўртинчидан, XI аср оҳирларида ижтиҳод эшиклари ёпилди. Бу хукуқий ва ижтимоий масалаларда, ислом ақидаларини талқин қилишда, мадрасаларда ислом илмини ўқитишда баҳс-мунозараларга, ижодий ёндашувларга, изланишларга, тафаккур эркинлигига аста-секин чек қўйди. Догматизм ҳукмронлигига олиб келди. Баҳс-мунозаралар ва ижодий изланишлар чекланиши, диний догматизм кучайиши табиатшунослик, фалсафа ва мантиқ илмини ривожлантирумай қўйди. Мазкур илмлар диний тафаккурнинг ҳам эркин ва ижодий бўлишига ижобий таъсир кўрсатар эди. Диний мутаассиблик йилдан-йил кучайиб борди. Ҳатто айрим мутаассиб доираларда Куръонда илм деганда фақат шаръий илмлар назарда тутилган, бинобарин дунёвий илмларни чеклаш керак, деган қарашлар пайдо бўлди.

Ислом Ренессансининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, локомотиви илм-фан эди. Ижтимоий онг шакллари орасида, маънавий хаётда, шу жумладан, ислом илоҳиёти ва фалсафаси шаклланиши ва ривожланишида илм-фан етакчилик қилган эди. Европа Ренессансида эса ўрта шарқникидан фарқли, маънавий эркинлик ва гуманизмни байроқ қилиб олган адабиёт ва тасвирий санъат етакчилик қилган эди. Адабиёт ва тасвирий санъат Европада инсонни, жамиятни диний мутаассибликтан, Рим-Католик черкови диктатурасидан халос этиш, черковни ислоҳ қилиш ғоясини олға сурди. Натижада, Реформация ҳаракати юзага келди. У протестантизм оқимиiga мансуб қатъий иерархиялашмаган черковларни қарор топтириди. Европада мафкуравий ва сиёсий жиҳатдан Рим папасидан мустақил бўлган давлатлар шаклланиш заруратига Реформация мос келди. Рим-католик черкови монополиясига барҳам берилиши тафаккур ва ижод эркинлигига йўл очди. Бу

осонликча қўлга киритилмади. Ҳатто XVI аср ўртасида ҳам Жордоно Бруно кабилар тириклийн гулханда ёндирилган эди. Ренессанс туфайли Европада жамият ривожланиш чизиги юқорига, юксалиш томон бурилди. Ренессанс изидан Европа маърифатпарварлик даври бошланди. Ренессанснинг Яратган олдида унинг барча бандалари тенгдир, деган ғояси маърифатпарварлик даврида тадриж этиб, Яратган олдида тенг бўлган инсонлар қонун олдида ҳам тенг ҳуқуқли бўлиши лозим, деган ғояга айланди. Табақавий бўлинишлар, имтиёзлар охир-оқибатда бекор қилинди. Маърифатпарварлик ашаддий ва шафқатсиз рақобатга асосланган капитализмга – индустрисал жамиятга йўл очди.

Афсуски, ислом мамлакатларида биз тескари тенденцияни кўрамиз. Диний-мафкуравий мутаассиблик кучайиб, биринчи навбатда илм-фанга, табиатшунослик ва фалсафага – Ренессансимизнинг асосий таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучига ҳужум бошланди. Бу кейинги ижтимоий-тарихий воқеалар билан қўшилиб ҳар икки Ренессансимизни инқирозга учратди.

1220 йилларда Чингизхон истилоси бошланди. Маънавий-маданий ҳаёт, дәхқончилик, хунармандчилик, ижтимоий алоқалар ва муносабатлар чуқур инқирозга учради. Кўплаб илм-фан, адабиёт ва санъат, маданият вакиллари ижоди тўхтаб қолди, баъзилари ҳалок бўлди ёки қатл этилди, кўпчилиги асир тушиб, қулга айлантирилди, мамлакатдан олиб кетилди. Баъзилари эса Эрон, Хиндистон ва бошқа юртларга кетиб қолдилар. Истилонинг биринчи ренессанс ривожига салбий таъсири фақат ушбулар билангина чегараланиб қолмайди. Халқ келажакка бир муддат ишончини йўқотди. Унинг онегистага, тафаккурига мистик ва иррационал қараашларнинг таъсири кучайди. Чунки содир бўлган воқеаларни, маданиятсиз маъжусийларнинг дағал кучи олдидаги

ожизликни, чорасизликни оқилона тушунтириш мумкин эмас эди. Ислом дунёқарашининг ички зиддиятлари, ижодий эркинликнинг тобора чекланиши, диний мутаассибликнинг кучайиши XI аср охирлари – XII аср бошларидан кўзга ташланмоқда эди. XII аср мобайнида бу ноҳуш тенденция зимдан ўсиб борди. Лекин мўғул босқини ислом рационализми ва Ренессанс инқирозига сабаб бўлган энг йирик ижтимоий-сиёсий омилдир, ташқи сабабдир.

Инқирознинг ички сабабларидан асосийси иждиҳот эшиклари ёпилиб, тафаккур эркинлиги чекланиши эди. Юқорида биз бир неча марта эслаган Ф. Старт, ислом мамлакатларида ижодий-танқидий руҳнинг, тафаккур эркинлиги чекланишининг бошланишини Низомулмulk ва Фаззолий фаолияти билан боғлайди. «Ҳар тарафдан келган хавфнинг олдини олиш мақсадида Низом ул-Мулк ортодоксал сунъий исломни «мияга қўйиш» ва ёш авлодни чуқур билимли, лекин мазкур эътиқодга содик қилиб тарбиялаш учун мадрасалар тармоғини яратиш таклифи билан чиқди. Битирувчилар нафакат шиаларнинг ажралишини, балки ортодоксал оқимдан оғиши шубҳаланган ҳар қандай ғояларни рад этишлари зарур эди»¹. Низом ул-Мулк (1018–1092) буюк вазир, давлат арбоби, ташкилотчи эди. У давлатни ягона ҳукмрон мафкура асосида бирлаштиришга, ундан ҳар қандай чекинишларнинг олдини олишга уриниши табиий эди. Аммо у истайдими, йўқми, бундан қатъи назар унинг бундай талаби тафаккур эркинлигини чеклар эди.

«Иккинчи «ислоҳотчи шахс» файласуф ва дин арбоби Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Фаззолий (1058–1111) бўлиб, – давом этади Ф. Старт, – у идрокнинг чекланмаган

¹ **Фредерик Старт.** Марказий Осиёнинг янгитдан кашф этилиши // «Жаҳон адабиёти». Май–2014, 57–6.

равишда қўлланишига бевосита ҳужум бошлади... Аристотелни танқид остига олар экан, ал-Ғаззолий вайрон қилувчи таъсир билан ўз замонасининг барча рационалистларини сикувга олди. Низом ул-Мулк ва ал-Ғаззолий биргаликда марказий Осиёда уч аср давомида барпо этилган эркин тафаккурга парда тортдилар»¹.

Маънавият ва ижодкорлик ривожланиши учун тегишли ижтимоий-иктисодий шарт-шароит, сиёсий барқарорлик ва эркинлик зарур. Талончилик, очарчилк, сиёсий зўравонлик ва қатағон шароитида на илмфан, на адабиёт ва санъат, на ахлоқ ривожланади, на одамларда маънавий эҳтиёжлар юксалиди. Одамлар кўпроқ жонини сақлаб қолиш, яшаб қолиш тўғрисида ўйлайдилар. Миллий тикланиш ва маънавий юксалиш учун мӯғул истиносидан қутулиш, миллий озодликка эришиш зарур эди. Ижтимоий онг ва тафаккур эркинлиги учун ҳам шароит яратилиши лозим эди.

Диний мафкуранинг нисбатан либераллиги, дунёвий фанлар ривожланишига маънавий-эътиқодий шарт-шароит яратса, дунёвий фанлар ривожланиши диний мафкура нисбатан илгор, либерал бўлишига иммий интеллектуал ва мантиқий асос яратади. Дунёвий фанларга беписанд қаралса, диний мафкура зимдан аста-секин мутаассиблари кетаверади. Бизда айнан шундай ҳолат юз берди. Нега Берунийнинг аксарият асарлари йўқолиб кетди, айниқса, гелиоцентрик назариясига бағишилаган асари? Фараз қилиш мумкинки, мутаассиблик устунлик қила бошлагандан кейин, улар диний тасаввурларга зид ҳисобланиб, қайта кўчирилмаган, уларга эҳтиёж қайта туғилмаган. Ғазнавийлар кутубхонасида сақланганлари, кутубхона билан бирга ёнгинда ёниб кетган бўлиши мумкин.

¹ **Фредерик Старр.** Марказий Осиёнинг янгитдан кашф этилиши // «Жаҳон адабиёти». Май–2014, 57-б.

Ибн Синога ҳаётлик пайтларидаёқ диний мутаасиблар томонидан ширклик айблари қўйилган. Бунга жавобан Ибн Сино рубоий ёзган. Рубойида буюк аллома агар мен ҳам кофир бўлсам, дунёда мусулмоннинг ўзи йўқ, деган фикрни билдиради. XI аср иккинчи яримда Умар Хайём каби даҳолар ижоди гуркираган, Тусдаги расадхона фаолияти сусаймаган эди. Аммо дунёвий илм-фанга нисбатан инкор этиш кайфияти ҳам кундан-кун кучайиб бораётган эди. Мутаассиблик шунчалик улкан хавф туғдира бошладики, шаръий фанлардан бошқа фанлар мутлақо керак эмас деган қарашларга, аслида уларни билвосита рағбатлантирган Фаззолий ҳам қарши чиқишга мажбур бўлади. У ҳисоб илмини (арифметика), ҳандаса (геометрия ва механика), илми нужумни (астрономияни) қолдириш керак, дейди ва бошқа фанлардан воз кечиш мумкинлигини тан олади. Бу уч фанни ҳам у ислом талабларига риоя этиш зарурлигидан келиб чиқиб ҳимоя қиласи: ҳисоб илмини билмасак, бозорда савдо-сотиқ қилишда адашиб, бироннинг ҳаққини ўзлаштириб қўйишимиз мумкин; ҳандасани билмасак, қурадиган масжид ва мадрасаларимиз эгри, томонлари номутаносиб чиқиб, ағанаб кетиши мумкин; илми нужумдан воз кечсак, қиблани тўғри аниқлай олмаймиз, масжидлардаги меҳробларни ўрнатишда хато қиласиз, карvonларимиз ва ҳожиларимиз ҳам йўлдан адашади, деган.

Натижада, XII асрдан дунёвий илм-фанларга нисбатан ижтимоий онгда муносабат чизиги юқоридан қўйи томон бурилди. Тўғри, бирданига дунёвий илм-фан тўхтаб қолган эмас. XII асрда ҳам анча-мунча тадқиқотлар амалга оширилди. IX–XI асрларда бу борада жуда қудратли салоҳият ҳосил қилинган эди. Унинг инерция кучи XII–XIII асрларда ҳам ўзини кўрсатиб турди. Дунёга машхур олимлар ижод қилди. Аммо Беруний ва

Иbn Синодек, Ал-Хоразмий ва Фаргонийдек оламшумул даҳоларни биз бу даврда учратмаймиз. XII асрда кўпроқ гуманитар ва диний фанларда Умар Жузжоний, Маҳмуд Замахшарий, Сайид Шамсиддий Самарқандий, Маҳмуд Чағминий, Нажмиддин Насафийдек қатор атоқли алломаларни кўрамиз. Дунёвий фанларда буюк салафлар кашфиётларининг диний қарашларга зид бўлмаганларигина давом эттирилди. Кўпинча салафлар фикри фақат тақрорланди, ривожлантирилмади. Булар юқори суръатларда шаклланаётган анъанавий жамият белгилари эди.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга бел боғлаган эканмиз, тарихнинг бу аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқаришимиз керак. Биринчи навбатда ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш бўйича муттасил тадқиқотлар олиб борилиши, янги замонавий касбларни ва касбий билимларни халқимиз чуқур ўзлаштириши, яратувчилик салоҳиятини кучайтириб бориши лозим. Айнан иқтисод, ишлаб чиқариш, илм-фан ва янги технологияларга ижтимоий буюртма беришини эсдан чиқармаслик керак. Жамият фаровонлиги ўсиши нафақат таълим, маданият, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожланиши, сиёсий ҳаёт либераллашиши ва демократлишиш учун моддий-иктисодий шарт-шароит яратади. Шунингдек, бу соҳаларга оид янги тадқиқотларга ва фанлар ривожланишига ҳам ижтимоий буюртмани вужудга келтиради, тафаккур эркинлиги янги босқичга кўтарилишига йўл очади. Диний догматизм ва мутаассибликнинг кучайишидан, ижтиҳод эшиклиари ёпилишидан бошланган тафаккур эркинлигининг чекланиши, дунёвий илм-фанларга беписандлик, баъзан очиқласига душманлик биринчи Ренессанснинг депсиниб қолишига, мўғул истилоси эса унинг барҳам топишига олиб келди.

Биринчи Ренессанс умумисломий ҳодиса эди. У Шарқда Хитойдан Фарбда Испаниягача бўлган улкан ҳудудни қамраб олди. Испанияда у XII аср охиригача давом этди. Шу сабабдан биринчи Ренессанс даври чегараларини IX–XII асрлар деб белгилаш маъкул. Мўғул истилосини бошдан кечирмаган Тунис, Марокко, Испанияда биринчи ислом Ренессанси XIII аср бошларида якунланди. Унинг мафкуравий-маънавий сабаблари Ўрта Шарқнига ўхшаш. Сиёсий сабабларнинг ич-килари (айирмачилик, майда амирликларга бўлиниш, ўзаро низолар ва х.к.) ҳам деярли бир хил, аммо ташқилари бироз фарқ қиласди. Испанияда сақланиб қолган мустакил христиан давлатлари аста-секин куч тўплаб, бирлашиб, бўлиниб қолган, ўзаро мухолиф араб амирликларига қарши қурашиб, енга бошлади. Охири бу арабларнинг кейинги асрларда Испаниядан тўлиқ қувилиши билан тугади (Реконкиста жараёни).

Иккинчи Ренессансимиз даврида анъанавий жамият унсурлари жуда кучайиб, ижтимоий ҳаётда аста-секин устунлик қила бошлади. Темур юришлари давридаги ижтимоий фаоллик, маданиятларнинг, халқларнинг ўзаро мулоқоти ва бир-биридан ўрганиши турғунликни юмшатиб, билдиримасдан турди, кўп жиҳатдан олдини ололди. Маданий-интеллектуал интеграцияга ўзига хос шарт-шароит яратди. Аммо унинг вафотидан кейин тож-тахт талашлар, сарой фитналари, тахтга даъвогарларнинг униси ёки бунисини қўллаб-қувватлайдиган гурухларнинг извогарона ҳаракати ва хиёнати туфайли мамлакатда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий инқироз юз бера бошлади. Бу ўз навбатида илм-фан, маданият, ижтимоий фикр инқирозига сабаб бўлди. Фақат Улуғбек даврида Самарқандда, Мовароуннахрда, Шоҳруҳ ва Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳиротда, Хурсонда иккинчи Ренессанс яна давом этди. Айниқса, тож талашлар, те-

мурий шаҳзодаларнинг тўнғичлари ва кейинги бир-иккисининг кўпинча ота-онасидан ажратиб олиниб, бувилари қўлида тарбия топиши, ота-онасига ва бошқа ўгай оналаридан туғилган ака-укаларига нисбатан меҳр-оқибат етарлича шаклланмаслигига, ҳатто носоғлом рақобат муносабати вужудга келишига сабаб бўлган. Қарий бошлаган катта маликаларнинг суюкли набирасини тахтга ўтқазиш учун нафақат кундошларидан бўлган фарзандлари ва набираларига, ҳатто ўзининг туғишидан набираларига қарши ҳам фитналар уюштириши масалани жуда чалкаштирган.

Гавҳаршодбегимнинг (Улуғбекнинг онаси) Абдуллатифга, ўз навбатида Абдуллатифнинг отаси Улуғбекка қарши фитнаси мисли кўрилмаган фожиага олиб келди. Амалда Улуғбекнинг авлодлари 5–10 йил ичидаги тугади. Фақат Абдулхайрхонга узатилган қизи Робиябегим ва унинг ўғиллари қолди. Улар эса темурийлар эмас, шайбонийлар сулоласига мансуб авлод ҳисобланади. Темур вафотидан кейин Хонзодабегимнинг сарой фитналарида фаол иштироки ҳам кўп салбий оқибатларга олиб келди. Хадича бегимнинг валихаъдликка асосий даъвогар кундошдан бўлган набираси Мўмин Мирзоны ўлдириб юбориши оқибатда темурийлар сулоласига барҳам берди. Тож-тахт талашлар қаторида диний мутаассиблик ва жамият ҳаётининг барча жабхаларида аста-секин анъаналар тўлиқ устунликка эришиб, ўзгаришларга тоқатсизлик кучайиб бориши иккинчи Ренессансни ҳам сўндириди.

Шу ўринда яна бир омил ҳақида гапириш лозим. Жамият тараққиёти объектив қонунлар асосида кечади. Бу даврий, цивилизацион тараққиёт учун тўғри. Аммо жамият ҳаёти турли соҳаларининг ўзаро нисбатан мухторийлиги, мустақиллиги туфайли, айниқса, ўрта асрларда давлат бошлигининг иродаси, савияси

кўп ҳолларда муайян соҳа ривожланишида хал қилувчи аҳамият касб этган. Биринчи галда илм-фан, адабиёт ва санъатда. Чунки ўрта асрларда, ҳатто илм-фан иқти-содий ҳаётга, ишлаб чиқариш заруратига ҳозиргидек яқиндан боғланмаган.

Бежиз шарқ мумтоз адабиётида «маърифатли подшоҳ» образи ва ғояси чуқур бадиий-фалсафий талқин қилинмаган. Алишер Навоий «Хамса»си ва «Маҳбуб ул-қулуб» ида маърифатли подшоҳ образи ҳар томонла-ма улуғланган. Ҳақиқатан, маърифатли подшоҳ таҳтга ўтиrsa, илм-фан, адабиёт, санъат, маданият юксалган. Жоҳил ҳукмдор пайтида таназзулга учраган. Олимлар, ижод ахли тирикчилик илинжида ҳар тарафга сочилиб кетган. Ўтмиш ренессансларимизда турли ҳукмдор-лар қандай роль ўйнаганлигини баҳолаш учун, аввало, масалага холис ёндашиш, синфиийлик, партиявийлик тамойиллари таъсирида шаклланиб қолган совет дав-ри андозаларидан воз кечиш лозим. Улуғбек қатлидан кейин унинг мактаби, шогирдлари тарқалиб кетди. Аста-секин қаровсиз қолган обсерватория харобага айланиб, йўқ бўлди.

Маҳмуд Фазнавийнинг ислом динини тарқатиш мақсадида олиб борган урушларини окламаган ҳолда, унинг илм-фан ва маданият борасидаги ҳомийлигини муносиб баҳолаш лозим. Маҳмуд Фазнавий Берунийни ва саройга таклиф этилган бошқа олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Уларга барча шароит-ларни яратиб берди. Беруний Фазнада санскрит тилини ўзлаштирди. Ҳиндистонга кўп бора саёҳат қилди, хинд олимлари асарларини таҳлил қилди. Монийлик асос-ларини ҳам у Фазнада ўрганди. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Маҳмуд Фазнавий кутубхонасида Монийнинг ўз кўли билан ёзган ва безатиб китобат этган, «Аржанг» асари сақланган. Фазнада шундай маънавий

муҳит юзага келган эдикси, айниқса, Маъсуд даврида, нуфузли, ўқимишли кишилар шахсий кутубхоналарида кўплаб ноёб асарларни йиғарди. Юқорида ас-Соҳибнинг сомонийларга вазир бўлишидан бош тортганинг сабабларидан бири сифатида Бухорога кўчиш қийинлиги, фақат китобларининг ўзи 400 туяга юк бўлиши қайд этилган эди.

Салжуқийларнинг буюк вазири «Сиёсатнома» муаллифи Низомулмулк ўз китобида Маҳмуд Ғазнавий давлат тузумини, усулинини, адолатли сиёсатини бошқа барча мусулмон давлатлари бошқарувидан устун қўйгани Маҳмуд Ғазнавийнинг, совет давридаги баъзи китобларидаги, бадиий асарлар ва кинофильмлардагидек жоҳил бўлмаганини кўрсатади. Тўғри, у мадраса кўрмаган, қаттиққўл бўлган, лекин табиатан жуда истеъдодли, илм-фан ва маданиятга қизиқувчан киши эди.

Худди шундай Шайбонийхон образи ҳам бадиий адабиётда, хусусан, «Юлдузли тунлар»да совет мафкураси, балки қисман «Бобурнома» таъсирида, салбий тасвирланган. Аслида Муҳаммад Шайбонийхон анча маърифатли хукмдор эди. Олий мадрасада ўқиган, шеърлар ёзган. Ҳиротни ишғол қилгач, давлат ишларини ўзбек тилида юритиш тўғрисида фармон чиқарган. Котиблар ва амалдорларга ўзбек тилида иш юритишда ёрдам сифатида услубий қўлланма, йўриқнома жўннаттирган. Агар у пистирмага тушиб қолиб ҳалок бўлмаганда, балки иккинчи ренессанимиз узокроқ давом этармиди? Ахир миниатюра санъати Мовароуннахрда айнан шайбонийлар даврида ривожланди. Илм-фан, маданият ривожланишида маърифатли подшоҳ хизматларини инкор қилиш адолатдан эмас. Шарқнинг барча олиму фузалолари, шоирлари уларнинг ҳомийлик фаолиятини юқори баҳолаганлар.

Масалан, буюк салафлари қатори Фузулий ҳам ҳукмдорларнинг адабиёт ривожига таъсирини «Лайли ва Мажнун» достонининг кириш қисми соқийномасида алоҳида таъкидлайди: Араб, форс ва турк тилида ижод қилган уч даҳога ҳомийлик қилган ҳукмдорларни эътироф этади:

*Турку арабу ажамда айём.
Хар шоири вермии эди ком
Шод этмии эди Абунавоси,
Хорун халифанинг атоси.
Бўлмиииди сафойи дил Низомий,
Ширвониоҳа душуб кироми.
Ўлмиииди Навоийи сухандон
Манзури шаҳаниоҳи Хуросон.*¹

Ҳозир ҳам давлат сиёсати актуал вақтда хал қилувчи аҳамиятга эга. Нафақат илм-фанга, маданиятга маблағ ажратилиши, кадрлар тайёрлаш, бошқа моддий-техникавий ва молиявий таъминот, шунингдек, ҳуқуқий шарт-шароит, эътиқод, сўз, тафаккур эркинлиги, жамиятдаги толерантлик ва бошқа ташқи мафкуравий-маънавий шарт-шароитлар давлат томонидан яратилади. Бунга янги Ўзбекистон мисолида ҳам амин бўлиш мумкин.

Хулоса қилиш лозимки, жамият моддий-иктисодий асослари, ишлаб чиқариш технологиялари ривожланмагани, турғунлиги, капитал концентрацияси юз бермагани, Буюк Ипак йўли тўхтаб қолгани каби объектив омиллар қаторида ҳар иккала Ренессанснинг инқирозига яна қуйидаги субъектив омиллар сабаб бўлди:

¹ **Мухаммад Фузулий.** Асарлар. Иккинчи жилд. – Тошкент: 1968, 10-б.

1. Тафаккур эркинлигининг чекланиши, ижтимоий фикрда турғунликнинг, догматизмнинг устунлик касб этиши.

2. Ижтимоий ва мафкуравий муносабатларда, тълим тизими ва маданиятда, ижодда анъанавийликнинг қарор топиши, янгиликлар, ўзгаришлар, ташаббуслар инкор қилиниши.

3. Мумтоз ислом қараашлари догматлаштирилиши, хурофот ва бидъат кучайиб, диний муносабатларни деформацияга учратиши, маънавий ҳаётни, тълим-тарбияни, илм-фанни сиқиқ, тор қолипга тиқиб қўйиши. Табиатшунослик фанлари ва фалсафанинг диний мутаассиб ғоялар хизматкорига айлантирилиши ёки тақиқланиши.

4. Мумтоз исломнинг бюрократлашуви, сўнгра инцирози бошланишида анча илғор демократик ва инсонпарварлик ғояларини олға сурган тасаввуф тариқатларининг ҳам салбий томон тадриж этиши. Пир ва муридлар ўргасидаги муносабатлар иқтисодий манфатдорлик томонга ўзгариб, назр-ниёз йигиш устунлик қилиши. «Махбубул қулуб»да Алишер Навоий риёкор ва тамагир шайхларни қанчалик қуюниб танқид қилади. Улар ўз тамалари ва нафслари билан амалда ислом маънавий илдизларига болта уриб келдилар, ичидан емириб келдилар.

5. Сиёсий айрмачилик ва парокандалик, мамлакатнинг бир-бири билан рақобатчи, ўзаро уришқоқ уч давлатга бўлинниб кетиши.

Бу сабаблар пайдо бўлгандан кейин, бир неча аср давомида жамият ҳаётига емирувчи таъсир кўрсатиб келди. Мумтоз ислом ва илк тасаввуф бир вақтлар қўллаб-қувватлаган илғор илмий ва ижтимоий ғоялар, идеаллар ё унунтildи, ё нотўғри талқин қилинди. Ижтимоий тараққиёт тўхтаб қолди. Оқибатда юртимизнинг катта қисмини XIX асрнинг 60 йилларида Чор Россия-

си босиб олди, юртимиз унинг мустамлакасига ва яrim мустамлакасига (Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги) айланди.

Мустамлакачилар халқимизни тарихий хотирасидан, маънавий илдизларидан жудо қилишга уриндилар. Кўплаб ноёб асору атиқалар, кўлётзмалар, маданий бойликлар мамлакатдан олиб кетилди. Кўплаб архитектура ёдгорликлари, масжидлар ва мадрасалар турли баҳоналар билан бузиб ташланди. Россиясиз ҳеч нарсага эриша олмаслигимиз аҳоли онгига сингдирила бошлади. Халқимизда ижтимоий қўркув ва миллий номукаммалик комплексини шакллантиришга зўр бериб ҳаракат қилинди. Буюк давлатчилик шовинизми ва мустамлакачиликка қарши ҳар қандай норозилик шафқатсизларча бостирилди.

Совет даврида Чор Россияси миллий сиёсати ташқи жиҳатдан кескин ўзгартирилган бўлса-да, моҳиятан амалда давом эттирилди. Тўғри, халқ ёппасига саводхон бўлди. Минглаб мактаблар, кутубхоналар, маданият уйлари очилди. Олий ва ўрта маҳсус таълим ривожланди. Илмий муассасалар, театрлар, газета ва журналлар сони кескин ўсади. Аммо байналминалчиклик ниқоби остида руслаштириш сиёсати олиб борилди. Миллатнинг хурфикр, илфор ижодкор зиёлилари қатағон қилинди. Имло икки марта алмаштирилди. Бу халқни ўз маданий меросидан, унда акс этган ва сақланган тарихий хотирасидан маҳрум қилишга қаратилган эди. Коммунистик идеология халқни миллий қадриятлардан узоқлаштиришга, инсон онгини коммунистик партиявийлик, синфиийлик, атеизм андозасига солишга, тафаккур эркинлигини, ижодий ташаббусни чеклашга интилди. Катта авлод онгига ҳалигача ташаббус кўрсатишдан ёки фикрини очик айтишдан ҳадиксираш бартараф этилгани йўқ.

Биз яна мутараққий халқлар қаторида ўзимизни кўрмоқчи бўлсак, тарихдан, жумладан, яқин ўтмишдан тўғри хуросалар чиқаришимиз, биринчи навбатда онгимизни, тафаккуримизни догматизм ва қарамлиқдан халос қилишимиз лозим. Тафаккур эркинлиги барча соҳаларда индивидуал, жамоавий ва миллий эркинликнинг ақлий ва ҳиссий асосидир. Тафаккур эркинлиги Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг зарур шартидир. Шу сабабдан Янги Ўзбекистонда тафаккур эркинлиги, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат ривожланиши устувор аҳамият касб этмоқда. ОАВ воситалари эркинлиги ўсиши қаторида блогерлар фаолияти учун шарт-шароит яратилмоқда. Блогерлар турли йиғилишларга, конференцияларга, брифингларга таклиф қилинмоқда. Илм-фан олий таълим, мактабгача ва мактаб таълимини, маънавият ва маърифатни ривожлантиришнинг 2030 йилгача концепциялари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Худди шундай инсон хукуклари ва эркинликларини БМТ экспертлари иштирокида 2030 йилгача мўлжалланган стратегияси ишлаб чиқилган ва ҳаётга жорий этилмоқда.

Янги Ўзбекистонда камидавлат сиёсати 10 йилга мўлжалланган стратегик ривожланиш концепциялари ҳар бир навбатдаги йилга бериладиган ижтимоий аҳамиятли мақсадни кўзлайдиган йил номига бағишлиланган аниқ давлат дастурларини амалга ошириш билан муштаракликда олиб борилмоқда. Бу жорий дол зарб муаммоларни ҳам, истиқболли муаммолар ва мўлжалларни ҳам баравар ҳисобга олиш имконини бермоқда.

Янги Ўзбекистонда ислом маърифатига эътибор кучайди. Айниқса, ислом ақидалари ва талабларини тўғри талқин қилиш, мумтоз ислом ва тасаввуф манбаларини ўрганиш ва ўзбекчага ағдариш учун имом Бухорий,

имом Термизий, Мотурудий, Абул Муъин-Насафий илмий марказлари ташкил этилди. Имом Бухорий илмий маркази халқаро мақомга эга. Ислом олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, Халқаро ислом академияси фаолият юритмоқда. Ислом цивилизацияси маркази барпо этилмоқда. Булар ҳам аввалги Икки Ренессанс ва кейинги зиддиятли давр сабоқларининг ҳисобга олинишидир.

Миллий ғоянинг 2000 йилги концепцияси одамларни, айниқса, ёшларни аниқ ва юксак мэрраларни кўзлашга, жамиятни ҳам, ўзини ҳам такомиллаштиришга етарлича рағбатлантира олмади. Одамларни турли жўшқин ҳаракатларда бирлаштирадиган, фидокорликка чорлайдиган, ғурурини уйғотадиган миллий-мафкуравий брендлар яратилмади. Ижтимоий онгда ғоявий-мафкуравий ноаниқлик унсурлари тоборо кўпайиб борди. Ғоявий-мафкуравий ноаниқлик айниқса, ёшлар онгига, уларнинг қадриялар тизимига, сезиларли салбий таъсир кўрсата бошлади. Баъзи ёшлар турли оқимлар таъсирига тушиб қолди. Ёки реал оламдан узилиб, ўзининг яратиб олган виртуал маконида, иллюзиялар оламида яшаётган, компьютер ва замонавий электрон алоқа воситалари бандисига айланиб қолган ёшлар сони ортиб бормоқда.

Компьютер технологияларининг ривожланиши болаларнинг билим ва ахборот олиш имкониятларини ошириш қаторида уларнинг турли ахборотларни, масалалар ечимларини, китоб ўқиш, бадиий асарлар мазмуни ва шеърларни ёдда сақлаш кўникмаларини издан чиқармоқда. Қабул қиласиган қарорлари тўғри бўлиши учун болаларда масъулият пасайиб кетмоқда. Улар масалани ечишга эмас, тайёр жавоблардан тўғрисини топишга ўрганмоқдалар. Интеллектуал ҳаракатга, ақлий таҳлилга ва умумлаштиришга эҳтиёж камайиб бормоқда. Булар ёш авлод онгига салбий таъсир кўр-

сатиб, жамиятда деинтеллектуаллашиш тенденциясини вужудга келтирмоқда.

Миллий гоянинг янги концепциясида юқорида қайд этилган камчиликлар ҳисобга олиниши лозим. Миллий ғоя стратегик олий мақсадни ифодаласа-да, унинг концепцияси бу мақсадга босқичма-босқич борилишини аниқ ифодалashi керак.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш гояси ахолининг ҳар бир қатлами олдига келажак билан боғлиқ аниқ вазифалар ва мўлжаллар қўйиши лозим. Уй бекалари, буви ва боболар фарзандларини, набираларини ижобий мазмундаги ҳар нарсага қизиқувчан, фаол, изланувчан, ақлий ва жисмоний меҳнатдан қочмайдиган бўлиб тарбиялаш бурчини, ишчи-ходимлар, мутахассислар, олимлар, ўқитувчи ва шифокорлар – ҳамма танлаган касблари доирасида ҳалол меҳнат қилиб, Ватани равнақига хизмат қилиш масъулиятини теран англашлари лозим. Ватанпарварлик аслида ўз бурчи ва хизмат вазифасини ҳалол бажариш, ҳалол меҳнат кишишdir. Бошқа қатламлар ҳам ўзлари учун аниқ ижтимоий мўлжалларни билишлари ва уларга интилишлари зарур.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жамиятни янада демократлаштиришни, фуқаролик институтлари фаолиятини ривожлантиришни, ҳар бир соҳада шаффофликни кучайтиришни ва аҳолини реал аҳволдан хабардор этиб, фаоллигини оширишни талаб қиласди. Ушбу йўналишда Президентнинг иккита қарори эътиборни жалб этади. Биринчиси «Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида». Иккинчиси йил бошида лойиҳаси қизғин муҳокама қилинган «Ўзбекистон Республикасида хукуқ устуворлигини таъминлаш ҳолатини аниқлашнинг самарали механизмини

жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарордир. Ҳар иккала қарор автоматлаштирилган онлайн ахборот тизими орқали худудларда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда адолат тамойили қай даражада таъминланаётгани, муаммолар қандай ҳал қилинаётганини аниқлаб, жамоатчиликка етказиб боради.

Маълумотлар ва баҳолар нафакат холис кўрсат-кичлар асосида, шунингдек, аҳоли ва мутахассис-экспертлар орасида социологик сўров ўтказиш орқали ҳам шакллантирилади. Йўл қўйилган камчиликлар, ҳатоларни тузатиб ёки ўзини оқламаган усулларни янги самарали усуллар билан алмаштириб бориш имкони туғилади. Бу эса узлуксиз ва тўғри ривожланиш учун жуда муҳим.

Тарих сабоқлари ва тараққиёт талабларидан келиб чиқиб давлат раҳбари таълим, илм-фан, инновациялар, эркин фикрловчи, рақобатбардош мутахассисларни тарбиялаш, янги технологияларни жорий қилиш, рақамли иқтисодиётга ўтиш, янгича фикрлаш ва ишлаш, миллий «ақл марказлари»мизни шакллантириш масалаларига ижтимоий зарурат, биринчи даражали вазифа деб қарамоқда. Акс ҳолда Ўзбекистон мутараққий мамлакатлар қаторига кўтарила олмайди. Шу боисдан ушбу масалалар бўйича 2030 йилга мўлжалланган қатор ривожланиш концепциялари ишлаб чиқилди. Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар ва академик лицейлар тармоғи барпо этилмоқда, чунки давлат раҳбари таъкидлаганидек, илмга асосланмаган соҳанинг келажаги йўқ.

СҮНГСЎЗ

Янги Ўзбекистонда масалалар ечимиға ёндашув, иш услуби янгиланди. Йиллик давлат дастурлари ва истиқболли концепциялар муштарак олиб борилаётганини юқорида эътироф этдик. Янги Ўзбекистонда янги қадриятлар тизими шаклланмоқда. «Инсон – энг олий қадрият» деган шиор илгари ҳам кўп ишлатиларди, аммо негадир инсон муносиб турмуш кечириши нуқул ортга сурилар, ҳозирча «вақтингчалик» қийинчиликларга чидаб, фидокорлик кўрсатишга даъват этиларди. Энди «одамлар келажакда эмас, бугун яхши яшашни истайди» тамойили асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда: ижтимоий муҳофаза аниқ манзилли бўлиши учун «Темир дафтар», «Хотин-қизлар дафтари», «Ёшлар дафтари» ташкил қилинди, камбағалликни қисқартириш, давлатнинг ижтимоий-иктисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айлантирилди. Муҳтож оиласлар, чин етимлар учун арzon ёки бепул барча қулайликларга эга уй-жойлар қурилмоқда. Халқ розилигига эришиш турли даражадаги раҳбарларнинг, давлат идораларининг фаолиятини баҳолашда асосий мезонга айлантирилмоқда. Ёшлар сиёсати ва бу борадаги Ўзбекистон ташаббуслари халқаро ҳамжамиятнинг юксак баҳосига ва бу борадаги фаол ҳамкорлигига сабаб бўлди.

Янги Ўзбекистонда миллий ўзликни англаш янги босқичга кўтарилмоқда. Бу Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун жуда муҳим. Негаки, юксак мил-

лий масъулликсиз, қатъий ва кучли миллий иродасиз қўзлаган олий мақсадимиз – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга эриша олмаймиз.

Кейинги беш йилда амалга оширилган ишлар Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасида ташланган дадил қадамлардир. Бу қадамлар событ давом этишини ҳаммамиз истаймиз. Давлат сиёсати, раҳбарият иродаси ва мақсади Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш заруратига, талабларига мос. Гап энди халқимизнинг иродаси, маънавий етуклигининг бу заруратга мос келишида. Гап биз билан сизнинг масъулиятнинг тегишли қисмини ўз зиммамизга олиб, бутун куч-ғайратимизни уни вижданан адо этишга сафарбар эта олишимизда.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
I. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш – миллий тикла- нишдан – миллий юксалиш сари ғоясининг мақсадидир	11
Учинчи Ренессанс пойдевори тушунчаси	15
II. Аждодларимизнинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси (Биринчи Ренессансимиз)	23
III. Амир Темур фаолияти ва Иккинчи Ренессанс: миллий мустақиллик ва маънавий юксалиш	55
IV. Тарих сабоқлари ва Учинчи Ренессанс зарурати	75
Сўнгсўз	94

Илмий-оммабон нашр

АБДУРАХИМ ЭРКАЕВ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: МЎЛЖАЛ – УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

Тошкент «Маънавият» 2021

Муҳаррир *Ш. Ҳуррамова*

Мусаввир *С. Шукрат*

Мусаххиж *Ш. Назарова*

Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Лицензия AI №189, 10.05.2011 йилда берилган. Босишига 15.10.2021 йилда
руҳсат этилди. Бичими 84x108 1/₃₂. Таймс гарнитураси. Офсет босма
усулида босилди. Шартли босма табоғи 5,04. Нашр табоғи 4,98.
3000 нусха. Буюртма № 21-99. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,
Тараққиёт 2-берккӯча, 2-үй. Шартнома № 17–21.